Кириш

Этнография – бу халқларнинг турмуш тарзи ва маданиятини ўрганувчи тарихий фан. Турмуш тарзи деганда шахсий ва жамият ҳаётининг турғун, бошланғич, анъанавий шаклларини тушуниш мумкин. Ҳар бир халқнинг турмуш тарзи ўзгача бўлиб, у ҳатто қўшни халқлар турмушидан фарқ қилади. “Маданият” тушунчаси анча мураккаб сўз бўлиб, “colere” – деган лотин феълидан олинган, яъни ҳайдамоқ, ерга ишлов бермоқ маъноларини англатади. Бизда “маданият” сўзи турли маъноларда қўлланилади; Илмий тилда, жумладан этнографияда маданият деганда инсон қўли билан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни тушуниш лозим. Моддий маданиятга инсон қўли билан барча нарсалар; меҳнат қуроллари, кийим – кечак, турар жойлар ва шу кабилар киради; маънавий маданиятга эса инсоннинг ақлий фаолияти билан боғлиқ нарсалар; эътиқод, бадиий ижод, адабиёт, мусиқа, фан, одоб – ахлоқ ва бошқалар. Маънавий маданиятни – ижтимоий маданият, жамият турмуши, оилавий турмуш каби бўлимлари мавжуд. Албатта дунёда барча халқларда маданият мавжуд, Аммо маданиятни турли даражалари мавжуд. Айрим халқларда у тез ривожланган, бошқаларида эса секинроқ. Нафақат маданиятни ривожланиш босқичини, балки ҳар бир халқда унинг ўзига хос томонларини фарқлаш муҳим. Масалан, маданият бир ҳилда ривожланган босқичида ҳам ўзига хосликлари турлича бўлиши мумкин, бунга янги Гвинея папуаслари ва Америка эскимосларини киртишимиз мумкин.
Ҳар бир халқ маданиятининг ўзига хос томонлари “этник ёки миллий анъана”дейилади, бунга моддий ва маънавий **маданиятнинг барча ўзига хосликлари киради.** Этнография фани нафақат маданият ва турмушдаги фарқларни, балки ундаги ўхшашликларни, ундаги умумий қонун-қоидаларни, оила ёки жамият турмушидаги қоидаларни ўрганади. Бу эса ўз навбатида бизга инсониятнинг тарихий ривожланишидаги умумий қонуниятларни яхшироқ англашга ёрдам беради. Этнография нафақат ҳозирда мавжуд халқларни балки йўқолиб кетган халқларни ўрганади. Ва этнографиянинг бу қисми тарихий

этнография деб номланади. Халқ турли маъноларда номланади ишлатилади. Аммо этнография фанида “халқ” этник жамоани англатади. Халқ тавсифлайдиган мавжуд белгилар қаторига: тил, этник ҳудуд, турмуш ва маданиятнинг ўзига хосликлари, этник ўзлик ва бошқалар.

У ёки бу халқнинг ривожланиш босқичининг турли даврларида юқорида таъкидланган белгиларни кўрсатиш мумкин.
1.Тилнинг аҳамияти. Шундай тиллар мавжудки, уларда кўпчилик халқлар сўзлашади: инглиз, француз, испан, португал.
2. Этник ҳудуд яъни ушбу халқ жойлашган жой, ҳудуд.
3. Турмуш ва маданиятнинг ўзига хос томонлари.
4. Диннинг ўзига хосликлари.
5. Ўзакни келиб чиқиш жамоаси. Лдшлар, жугутлар, негрлар.
6. Этник ўзини ўзи англаш.
Манбаа ва услуб. Этнографик дала экспедициялари ва кузатувлари. Ўзига яқин бўлган фанлар билан боғлиқлиги.

- ибтидоий жамоа тарихи билан (этногенез, этник тарих);
- археология билан;
- тилшунослик, адабиётшунослик, санъат, география ва антропология билан.

Этнография фанининг муаммолари.

1. Алоҳида мамлакатларнинг этник тузилиши муаммолари.
2. Этногенез ва этник тарих.

<u>Дунё халқларининг этнографик классификацияси.</u>

Этнология фанида географик, тил ва антропологик классификация мавжуд.
Географик классификация аҳолининг этник ҳудудига айланади. “Африка халқлари”, “Америка халқлари”, “Марказий Осиё” ёки “Олд Осиё”. Ер юзининг аҳоли жойлашган қисми “ойкумен” дейилади. (ойкео – яшамоқ, истиқомат қилмоқ). Ойкумена тарихий жиҳатдан ўзгарарди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан инсон ҳуқуқларининг такрорий, иккиламчи алмашиш жараёни кучайди. Бу аҳолининг ўсиши, кўпайиши табиий шароитнинг вақтинча ўзгариши ёки бошқа омиллар сабабли юз берарди. Қуруқликда ёки денгиз йўллари орқали, оммавий ёки кичик гуруҳий кўчишлар бўларди. Секин - аста алоҳида

мамлакатлар ва ер юзининг бутун қисмлари аҳолиси ўзгарарди.
Масалан, эрамиздан аввалгаси II асрда Индонезия оролига, яъни олдин веддоидлар яшаган ҳудудга аҳоли Ҳиндихитойдан тарқалган. Эрамиздан аввалги II-I асрларда хиндевропаликлар ҳозирги Европанинг Ҳиндистонгача бўлган ҳудудга жойлашадилар. Ҳиндевропаликлардан аввалги аҳолидан баяклар сақланиб қолган.
Инсоният тарихининг айрим даврларида этник кўчишлар жараёни жуда авж олар эди. Масалан туркий қабилаларнинг кўчиши ёки капитализм вужудга келган даврда Американинг мустамлакага айланиши. Алоҳида мамлакатлар аҳолисининг этник тузилиши ўрганилганда,автоктон (обориген) аҳоли муаммоларга алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Бошқа бир аҳамиятли томони борки, азалдан битта мамлакатда яшаб бир-биридан тил ва келиб чиқиш жиҳатидантурличалиги билан фарқ қиладилар. Бунга мисол қилиб Кавказ халқларини айтиш мумкин. Бир неча асрлар давомида қўшничиликда яшаб турмуш маданияти, кийими, эътиқоди, фольклори жуда ўхшаш.

Тил классификацияси.

Тил албатта асосий этник белги ҳисобланади. У орқали халқни келибчиқиши, қон-қариндошлигини аниқлаш осонроқ. Тилшунослар тил классификациясининг 2 та усулидан фойдаланадилар, яъни морфологик ва генеологик.Марфологик классификация этнография фани учун кўп маълумот бера олмайди. Генеологик классификация эса тиллар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини, қисман эса халқлар орасидаги яқинликни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, олтой тиллари, ўзбек ва қозоқ яқинлиги ёки анча узоқ қариндошлик алоқалари. Шу каби жараённи хинд-европа тил оиласида ҳам кузатиш мумкин.Тилшунослар тил оиласи деб алоҳида қариндошлик ёки унинг келиб чиқиш жамоаси мавжуд бўлган гуруҳларга айтадилар. Ер юзида 2700 тил мавжудлиги аниқланиб, уларни 10 та тил оиласи бирлаштиради. Булар ҳинд – европа, семит-хамит, урал – олтой, хитой – тибет, малайя – полинезия, дравид, мунда, банту, кавказ, мон-кхмер.

Грамматик тузилиши бўйича хинд – европа тили флектив ҳисобланади. Семит-хамит тил оиласи Шимолий Африка ва Жанубий-Ғарбий Осиё халқларида кенг тарқалган. Ушбу тилларда ер юзида энг қадимги бўлган Миср ва бобил ёзма ёдгорликлари ёзилган. (IV-III эр.авв.). У бир неча гуруҳларга

бўлинади: семит, бербер, кушит. Грамматик тузилиш бўйича семит – хамит тил оиласидаги барча тиллар френтив. Урал тил оиласининг фин – угор гуруҳи юқори Волга бўйида юзага келиб Венгриядан Финляндиягача ва Об дарёсигача ёйилган. Олтой тил оиласи уч гуруҳга бўлинган: туркий, мўғил, тангус. Туркий гуруҳ энг йириги бўлиб, Болқон ярим оролидан Кольм (ёқут) дарёсигача бўлган ҳудудни эгаллаган. Унга Ўрта Осиё халқлари, Кавказ (Поволожье) Жанубий Сибир олтой халқлари тиллари киради. Мўғил гуруҳига: Мўғлистон, Шимолий – Шарқий Хитой, Болтиқ бўйида яшовчи халқлар киради. Тунгус гуруҳига: манжурлар ва Шимолий Россиядаги кичик халқлар (эвенклар, нанайлар-голдлар) киради.Тузилиш бўйича урал-олтой тиллари агглютинацияланувчи тиллар ҳисобланади. Хитой-Тибет тил оиласида сўзлашувчилар Шарқий ва Жануби – Шарқий Осиё ҳудудди жойлашган. География жиҳатдан малайя-полинезия тил оиласи Ҳинд ва Тинч океани, Ғарбда Мадагаскардан Паска оролигача. Бу ерда катта қисмини ташкил этадиган Индонезия гуруҳи бўлиб, унга Ҳиндихитой ва мильгаш тиллари. Мадагаскар оролида яшовчи халқлар ва Микронезия, Меланезия, Полинезия оролида яшовчи халқлар тиллари киради. Дравид тил оиласи Ҳиндистоннинг жанубий қисми ва Цейлон оролининг унчалик катта бўлмаган қисмидаги ҳудудни эгаллайди. Ушбу тил тўғрисида қадим ёдгорликлар сақланмаган, аммо олимлар айтишича бир пайтлар у бутун Ҳиндистон ёки унинг катта қисмини Ҳимолай тоғларигача бўлган ҳудудни эгаллаган. Милоддан аввалги II минг йилликда орийларнинг кириб келиши дравидларни жанубга сиқиб чиқарган. Мунда гуруҳи Шарқий Ҳиндистоннинг катта бўлмаган қисмини эгаллайди. Ушбу тиллар қадимий ҳисобланади. Банту гуруҳи Африканинг жанубий жанубий қисмини эгаллаган. Мон-кхемер гуруҳи Ҳиндихитойда тарқалган. Шундай фаразлар борки мон-кхемер гуруҳининг Жанубий-Шарқий Осиё ва Океания гуруҳидаги тил гуруҳлари билан боғлиқ. Юқорида номи келтирилганлардан ташқари Америка ҳиндулари, Янги Гвинея оролидаги папуаслар, австралия оборигенларининг кўплаб тил оилалари мавжуд.

Хўжалик-маданий классификация.

Тил классификацияси этнографияда катта аҳамиятга эга бўлса ҳам, халқларни замонавий боғлиқлиги тўғрисида кўп

маълумот бера олмайди. Гоҳида битта тил оиласида сўзлашувчи ва бир-биридан узоқда яшовчи халқлар хўжалигида, турмушида, маданиятида ҳеч қандай ўхшашлик, умумийлик бўлмаслиги мумкин, ёки тескари яъни бир-биридан узоқда бўлиб яшаш шароити ўхшаш, аммо улар ўртасида тил жиҳатдан қариндошлик риштаси бўлмаган халқлар ҳам мавжуд: Ўрта Осиёдаги мўғил кўчманчилари ва Арабистондаги кўчманчи бедуинлар, буғучи-ненецлар ва буғучи – гукчалар. Ер юзида жойлашган одамлар турли географик шароитга тушар эди. Вабунга мослашарди, яъни одамлар ўзларининг моддий ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантирарди. Шундай қилиб турли хўжалик шакллари юзага келиб ривожланади.

Австралия ва Океания халқлари.

Австралия бешинчи ва охирга континент сифатида европаликлар томонидан очилган. Бу ер шарининг унча катта бўлмаган материга жойлашуви параллелга кўра 4100 км га яқин, меридиан бўйича эса 3.200 км. Континент майдони 7,686,810 км.2

Австралия геологик қарашларга кўра эски континент. Бунга сабаб кайнозой эрасининг бу ердаги аҳамиятсиз ҳаракатлари баланд тоғларга туташувидир. Состюшка тоғнинг баланд чўққиси 2200 м денгиз сатҳидан. Европаликларнинг келишига қадар ишлар динго ва каламушлар инсонлар билан бир қаторда сутэмузувчиларнинг асосий плацентлари ҳисобланган. Кўчиб келганлар уларни ўзлари билан олиб юрганлар. 1978 йилгача аборигенлар Австралияга 40 минг йил муққаддам олишган деб ҳисоблашадиган бўлса, биринчи австралияликлар замонавий одам – неонтролнипи вакилларидандир. Ҳомо сапиенс – бироқ 1978 йилги маълумотларга кўра, аборигенлар қадимги ўтмишга бориб тақалади. Ғарбий Австралияга қарашли Мергисон дарёси чеккаларидан археологлар томонидан топилган етмишга яқин тош қуроллар, 100 йилга қайтишини кўрсатади. Агар бу тасдиқланса аборигенларнинг қадимги тарихи 60 минг йилга тегишлилигини кўрсатади. Фредери Роуз, Австралия аборигенлар 1981 ўзининг ҳудудди ва аҳолисига кўра 25 млн. дан 18 млн. Австралияда (1995 й). Континент кўп давлатлар этимологларини диққатини ўзига жалб қилиб келган. Дастлабки қизиқиш ер шари бошида бир қисми сифатида архаик тарзда сақланганлиги боис аҳолининг аънанавий хўжалик фаолияти, моддий маданияти ва турмуш тарзига бошланган.

Австралия ва Океания халқлари ўзоқ йиллар европаликлар мустамлакасида бўлиб, 1960 йилдагина бу ерда кўчириш бошланган.

Тарихий этнографик вилоятлар. Австралия ва Океания 4 тага бўлинади:

1. Австралия ва Тасмания.
2. Мелонезияга Янги Гвинея архипелаги, Бисамара, Антркасто, Тробриан, архипелаг Луизиадо, Саломон ороллари, Санта – Крус, Янги Тибр, Янги Конд, Луайота, Фидси ва Ротуми киради.
3. Микранезия – Мариан, Мериналов ва Карол ороллари, Гилберт ороли, шунингдек, Онин ва Наур.
4. Полинезия эса 3 гуруҳ ороллардан Тонго, Самоа, Уоллис, Хори, Туволу (илгари - Эмид) Томлай, Луса, Туба, Туамота, Маркиз, Гамби, Говай, Янги Зеландия. Ниуғ ва Пасхи ороллари. Бундай бўлиниш ҳар доим ҳам тарихий-маданий бирликка олиб келмайди. Полинезия ва унинг аҳолиси бўйича бу регион жуда катта бўлсада ундаги, антропологияси, хўжалиги моддий ва маънавий маданиятидаги баъзи бир элементлари билан ажралиб туради.

Австралия ва Океания халқлари этногенези.

Австралия континенти ичидаги биринчи кўчиш, имиграция шимолдан ва шимолий-ғарбий томондан 40 минг йилга яқин бошланиб, улар 3 йўлдан боришган. Биринчиси: Марказий Австралия орқали. Иккинчиси: Шарқда Катта тоғ тизмаси ва учинчиси эса Ғарбий қирғоққа паралелл равишда ўтган.

Австралия оборигенлари ягона характерли турга мансуб. Уларнинг боши чўзинчоқ, қоши эса жуда бўртиб чиққан. Бўрни энли, тери ранги эса қора эмас, тўқ жигарранг, сочи ҳам тўқ жигарранг. Австралиянинг айрим қисмларида сочларини ранги оч болалар учрайди ва бора-бора уларнинг ранги ҳам тўқ бўлиб боради. Австралия оборигенларида юзи ва баданининг туси қалин бўлади. Барча мулоҳазаларга қараганда Австралияда миграция бирламчи бўлмаган. Айрим хулосаларга кўра оборигенлар аждодлари Австралияга муз даврида келган. Ушбу давр ўзининг интенсив ривожланишига тахминан 25 минг йил олдин эришган. Замонавий фан жанубий ва шимолий ярим шарда муз даврини таққослашга йўл қўймайди. Агар ўша даврда денгиз сатҳи 60 м паст бўлган бўлса ҳозиргидан тахминга кўра, унда дастлабки аборигенларга ўз йўлида Жануби-Шарқий Осиёдан Австралия

ва Янги Гвинеяга ўтиш чизиғини кесиш лозим бўлган. Дастлабки аҳолининг илк хўжалиги овчилик ва термачилик бўлган. Австралияликларнинг тош болталари тасманияликларникига нисбатан анча ривожланган бўлган. Янги Гвинеяга мигрантлар 30 минг йил олдин Жануби-Шарқий Осиёдан кириб келган. Улар ҳам австролиоидлар бўлган. Кейинроқ мигрантларнинг кучли турқини 10 минг йил олдин Янги Гвинеягача борган. Ва шу пайтда улар билан биргаликда илк силлиқланган болталар пайдо бўлган. Юқорида санаб ўтилган мигрантларнинг ҳаммасини Янги Гвинеяда папуаслар деб атаганлар. Улар шажара жиҳатидан ўзаро бир-бири билан боғлиқ бир неча папуас гуруҳлари тилларида гашлашадилар. Океания архипелагигача етиб борган янги миграция тўлқини бўндан 5 минг йил олдин балки ундан ҳам олдинроқ юз берган. Бу тил муносабатида австролонезия оиласига оид кўчишлар билан боғлиқ. Антропологик жиҳатдан, балки улар жанубий моголоидлар бўлган. Тахминларга кўра мигрантлар дастлаб кичик ҳудудда ўтроқлашган. Кўчманчиларнинг маданияти неолит типида эди. Улар деҳқончилик билан шуғулланар эди ва чўчқаларни кўпайтирар эдилар. Вақт ўтиши билан ушбу жамият Янги Гвинея районида, Бисмарк архипелагида, Саломон оролларининг шимоли-ғарбий қисмида, Янги Гебридда ва Янги Каледонияда парчаланди. Мигрантларнинг катта қисми маҳаллий аҳоли папуаслар билан аралашиб кетди. Янги Гебриднинг марказий қисмида истиқомат қилган жамиятдаги гуруҳлардан бири кўчиш пайтда кучли ассимилациядан омон қолган. Бундай шарқий океан этник ва лингвистик гуруҳ юзага келган. 4 минг йил олдин ушбу жамият парчаланди ва шарқий океанликлар Янги Гебрид оролининг шимолида, Саломон оролларининг жанубий – шарқий қисмида, Фиджи архипелагида жойлашди.

Олимларнинг тахминига кўра палинезияликлар Океаннинг кўплаб оролларига эрамизнинг бошида келиб жойлашганлар. Жойлашувнинг маркази Самоа ороллари бўлган. Кўчманчиларнинг тўлқини бу ердан Полинезиянинг ғарбий оролларига борар эди. Кейинги юз йиллар давомида турли ороллар аҳолиси ўртасида хўжалик – маданий муносабатлар узилмади, бу эса турли полинезия этносларининг маданий яқинлигини сақланишига олиб келди. Океания ва Полинезия оролларининг аҳолисини Жануби-Шарқий Осиёдан келиб чиққанлигини таъкидлашган олимлар. Ушбу гипотезани тарфдорлари В.Гумбольдб, Те Ранги Хироа, Р.Гейне-Гельдери эди. Бундан ташқари яна бир Норвегиялик тадқиқотчи

этнограф Т. Хейердак полинезияликларнинг келиб чиқишини Америкадан деб айтади. Ушбу назария исбот қилиш мақсадида у 1947 йил ўзининг дастлабки денгиз экспедициясини ташкиллаштиради.

Европаликлар Австралияда

Европаликларнинг оборигенлар билан дастлабки алоқалари XVII асрга тегишли бўлса ҳам, уларнинг колониялари Австралияда 1788 йилда Порт – Джексонда (ҳозирги Сидней) ташкил топган. Австралия номи географик харитада илк бора 1606 йилда пайдо бўлган. XX асрнинг 60 – чи йилларидан бошлаб Океанияда бирин-кетин янги мустақил давлатлар пайдо бўла бошлаган. Ғарбий Самоа (1962 й), Науру (1968 й) топган. Фиджи (1979), Папуа – Янги Гвинея (1975), Важуату (1980).

Австралия халқлари

Автохтон аҳоли. Австралияликларнингсиёсий тўғрироғи ижтимоий бирлиги уруғ ҳисобланган, локал гуруҳ эса 30-60 тагача эркак ва болалар ташкил топган. 10-15 локал гуруҳ ўзаро ижтимоий, хўжалик алоқаларини олиб борарди ва улар битта тилда яни бир-бирига тушунарли шевада гаплашишарди. Аборигенлар динго (австралиянинг ёввойи ити) ларини ушлаб, уларни дрессировка, яъни ўргатарди. Тадида ямса илдизларини ишлатарди.

Айрим аборигенлар соҳилдан тереда ёки коброкуртларини истеъмол қилишарди. Консервалат маҳсулотлар ҳам ишлатиларди. Янги Жанубий Уэльснинг шарқида гоҳида таомга богонг капалакларини қўшиб истеъмол қилар эдилар. Истъемол қилишдан олдин уларни дудлардилар. Қарағай дарахтининг ёш уруғини ҳомлигича истеъмол қилардилар. Пишган ёнғоқлардан эса нон пиширарди, улар бир неча ойлар сақланарди. Пальма дарахтининг ёнғоқларини чуқурга кўмардилар. Гоҳида тошбақа ва қушларни тухумларини сақлашарди. Марказий Австралияда эса кенгуру гўштини 2 кун қуритиб консерваларди. Австралия оборигенлари нафақат овчи, термачи балки балиқчилик билан ҳам шуғулланган. Аёлларнинг уй-рўзғор буюмлари дарахт, ёғоч ёки Квинсленде тропик ўрмон дарахтларининг баргларидан қилинган идиш косалар бўлган. Аёлларнинг ўзига хос сумкалари бўлиб, улар дарахт пўстлоғи ипак толадан тикиларди. Сумкада шахсий буюмлар билан биргаликда оилавий нарсалар ҳам олиб юрар эди.

Турар жойи.

Аборигенларнинг яшаш шароити турар жойларининг мустаҳкам ва доимий бўлишига зарурат туғдирмас эди. Иссиқ иқлим шароити Австралиянинг кўпгина вилоятларида аҳолини очиқ ҳавода яшаши учун қулай эди. Бу ерда аёллар нафақат озиқ-овқат маҳсулотларини топиш билан, балки болаларнинг бутун жавобгарлиги уларнинг зиммасида бўлган. Австралияликларда никоҳ жуфт бўлган. Уларда оила асосан бир кулбада яшовчи эркак, унинг хотини (гоҳида 4 – та хотини) ва болалари бўлган. Австралияликларда аёллар 9 ёшидан никоҳга кирган то вафот этгунича. Никоҳ қонунларига кўра аёлларнинг ўртача 4 та эри бўлган, бундан ташқари вақтинчалик ёки яширинча алоқалари ҳам бўлган. Австралия аборигенлари орасида яшаган, улар атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси борсидаги билимларининг аниқлигига ҳайратланарди. Уларнинг диний билимлари мифлар кўринишида бўлган. Ва ушбу тассавурлар авлоддан-авлодга ўтиб борган. Булар кўпчилиги фантастика эди. Тотемизм австралияликларнинг диний кўриниши сифатида яхши ўрганилган.
Англоавстралияликлар. “Дастлабки флот” Сиднейга 1788 йил етиб борган. Англиядан бор йўғи 1000 кишига яқин одам келган, шулардан 700 таси асир эди. Бу даврда Англияда ўлимга асосан ўғирлик билан шуғилланган одамларни маҳкум қилганлар. Кўп вазиятларда эса бошқа мамлакатларга сургун қилар эдилар. 1815 йилга келиб Жанубий Уэльс метрополияларини юнг билан таъминларди. Ерларни қўй подалари билан оккупация қилиш оборигенларни катастропик оқибатларга олиб келди. Тез орада қўйлар ва халтали ҳайвонларни яйлов учун кураши бошланиб кетди.

Паруас халқлари (Янги Гвинея)

Янги Гвинея ороли ҳозирда 2 қисмига бўлинади: Навқирон Папуа-Янги Гвинея давлатининг шарқий ҳудуди ва Ғарбий. 4 млн аниқроқ аҳолининг 9/10 папуаслар ташкил қилади. Этнографлар орол аҳолисини 700 га яқин этносларга бўладилар. Энг йирик тил оиласи бу трансянгигвинея бўлиб, унда 85 % аҳоли ва 7 % папуас аҳолиси торичелли типларида гаплашишади. Энг йирик этнослар: энга 250 минг, чимбу 220, камоно 110 минг кишини ташкил этади. Антропологик жиҳатдан Янги Гвинеянинг туб австролоид аҳолиси оролнинг

ном жиҳатидан мансуб этно-лингвистик гуруҳ билан 2 асосий тургa бўладилар: папуас ва миланезия 2 тур учун ҳам баданнинг қоралиги характерлидир, сочлари жингалак, лаблари қалин, бурунлар энли, аммо папуас туридаги вакиллар юзларининг ингичкалиги, бурунларининг қарчигайлиги билан ажралиб туради. Хўжалик фаолиятида папуасларнинг катта қисми австралияликлардан фарқли ўлароқ мотига деҳқончилиги шуғилланганлар. Улар тароямс, батат банан, шакарқамиш, кокос ва саго пальмаси нон дарахтини етиштирар эдилар. Ҳозирда Европа маданияти кенг ривожланган. (картошка, картошка дарахти, дукакли ўсимликлар).

Анъанавий қуроллар болта, ингичка курак, қозиқ бўлган. Уй ҳайвонларидан папуаслар чўчқа, товуқ ва итларни кўпайтириш билан шуғилланган. овчиликда пайза, камонлардан фойдаланишган. Улар ёввойи чўчқаларни падуар, майда қушлар, кускус, эчкимар, илонларни овлар эдилар. Балиқчилик нисбатан кам ривожланган. Ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралмаган. Асосий уй-рўзғор буюмлари дарахт ва тошдан қўлда ясалар эди. Ҳозирга қадар папуаслар ўзлари қайиқ, меҳнат қуролларининг бир қисмини кийим ва уй-рўзғор буюмларини ясайдилар. Кўриб турганимиздек, папуасларнинг хўжалиги қўл деҳқончилигидир. Папуас қишлоқларининг кўпчилиги 100-150 кишидан иборат. 100 кишилик қишлоқлар камдан-кам учрайди. Эркаклар уйлари сақланиб қолган. Турар жойлари қозиқоёқли. Уй поллари бамбук дарахтидан дарахт пўстлоқларидан қилинган. Томлари пальма дарахти барглари билан қопланган, доирасимон шаклда. Янги Гвинеянинг анъанавий турар жойлари бугунги кунгача сақланиб қолган.

Папуас эркакларининг анъанавий кийимлари уриб ишланган дарахт пўстлоғидан тайёрланган боғич бўлиб, уни тос сон бўйлаб бир неча марта айлантириб оёқ орасидан тушириб қўйишган. Аёллар кийими ўт ёки ўсимлик толаларидан тайёрланган юбка булган. Тақинчоқларни папуасларда асосан эркаклар тақиб юришган. Бу билакузук маржон, ўзига хос зирак, бурунга тақиладиган тақинчоқлар эди. Миклухо – Маклай ўзининг кундаликларида ёзишича, у бўш консерва идишидан зирак ясаган ва шундан сўнг ушбу зирак турига кўплаб буюртма тушган. Татуироока ва банании бўяш ҳам безак турига кирган. аёлларда безак ва тақинчоқлар кўп учраган. Таомлар оддий асосан ўсимликлардан тайёрланган. Гўшт кам истеъмол қилинган. Таомни очиқ оловда тайёрлаганлар. Оловни ишқалаш йўли билан қўлга

киритадилар. Тузни кулдан олишган. Папуасларнинг жамияти ўзгача мураккаб бўлган, бошқа анъанавий (герман, славян) қабилаларникига ўхшамас эди. Улар яъни папуасларда қабила йўлбошчилари бўлмаган. Улар фақатгина тил бирлиги ва маданияти билан боғлиқ эди. Уларда патриархал уруғ мавжуд эди. Бир неча уруғ фратрияга бирлашган. Папуас уруғи жамоа билан узвий боғланган. Роро қабиласида уруғнинг ҳар бир қисми ўзининг эркак уйларига эга. Папуасларда жамоа 3 асосий гуруҳга бўлинган.
1 – уруғчилик жамоаси
2 – итороген жамоа (гетяра – енгилтак аёл) бундай жамоада хўжалик йирик оилалар билан олиб борилади.
3 – Қўшничилик жамоаси – бу европаликлар билан алоқа қилиш натижасида вужудга келган. Битта жамоада туғилган одамлар бир-бирлари билан қон-қариндошлик жиҳатидан боғланган. Улар бир-бирларига мурожаат қилганларида қуйидаги атамаларни ишлатадилар: “ака-ука”, “опа”, “ота”, “она”, “ўғил”, “қиз”, “буви”, “невара”. Масалан, Вабаг районидаги Копен қишлоғида Редогам исмли папуас 13 та аёлга нисбатан “она” сўзини, 10 та аёлга “опа” 18 та эркакка нисбатан “ака” сўзини ишлатган. Папуасларнинг анъанавий эътиқодлари турли ҳил, айрим қабилаларда тотемизм сақланиб қолган. Магия кенг тарқалган. Миссионерларни фаолияти туфайли папуаслар христианликка ўта бошлаган.

Миланезия халқлари

Миланезияда 200 дан ортиқ этнослар истиқомат қилади. Янги Гвенеядаги каби тил жиҳатидан улар 2 гуруҳга бўлинадилар: австронезия ва папуас тилида гаплашувчи халқлар. Дастлабкиси 6 млн. кишини ташкил этса, папуаслар 70 минг кишидан иборат. Антропологик жиҳатдан миланезияликлар нинг катта қисмида танасининг ранги қора, лаблари қалин, бурунлари энли, сочлари бир ҳил жингалак юзлари ўртача энли. Миланезияликларнинг қўл деҳқончилиги асосий етиштириладиган маҳсулотлари: емс, таро, кокос, пальма, банан, нон дарахти ва бошқалар. Асосий экини какос пальмаси. Иккинчи асосий соҳаси денгиз балиқчилигидир. Миланезияда бу соҳа билан фақат эркаклар шуғилланадилар. Европаликлар келгунига қадар уч ҳил ҳайвон мавжуд эди: чўчқа, ит, товуқ. Ҳозирда эса йирик шоҳли қорамол, қўй ва эчки бор.

Ҳунармандчилик. Ўсимлик толаларидан сумка, сават, тўшамалар тўқишган. Тикувчилик Санта Круз оролидан ўзга Миланезия аҳолисига маълум эмас эди. Кулолчилик суст ривожланган, у билан фақатгина аёллар шуғилланишган. Колонизацияга қадар Меланезияда металлургияни билишмас эди. Асбоблар, қурол – аслаҳаларни ҳайвон тишларидан, суякларидан, дарахт ва бамбукдан тайёрлардилар. Асосий қуроли тош болта бўлиб, у силлиқланган ёғочли ушлагичи мавжуд. Асосий жанг қуроли – памица. Бундан ташқари найза ўқ-ёй, жанг болта, ханжар қўлланар эди. Миланезиликларнинг уйлари тўғри бурчакли. Тўшама сифатида банан, пальма ва пандус баргларидан фойдаланадилар. Деворлар бамбук, ўтлар, тахталардан киминор гоҳида эса умуман деворлар бўлмаган, уларнинг ўрнига ёғоч устунлар бўлган. Улар ҳаракат воситаси сифатида қайиқлардан фойдаланадилар. Миланезияликлар кийимлари кам бўлган ёки умуман бўлмаган, асосан боғичлар юбкалар. Миланезиянинг айрим жойларида анъанавий тақинчоқлар ҳам мавжуд (билакузук, зирак, маржон) бу ерда ҳам уларни асосан эркаклар ишлатадилар. Гўшт кам ишлатилган аммо аборигенлар балиқни тез-тез истеъмол қилиб туришган. Балиқ гўшти асосан ер печларида пиширилган. Миланезияда савдо айрибошлаш яхши ривожланган эди. Пул ролини силиқланган бўйра ва чиғаноқлар бажарар эди. Айрим жойларда она уруғи ўрнига патриархал уруғ пайдо бўлган. Ҳозирда аҳолининг катта қисмини христианлашган. Миланезияликларнинг анъанавий эътиқоди мукаммал куч “манага” ишонч бўлиб қолаверди. Фольлори диний эмас, унда маданий қаҳрамонлар тилга олинади. миланезиянинг анъанавий тасвирий санъати яхши сақланган. Мусиқа санъати яхши ривожланган.

Янги Капедония ва Луайоте ороллари халқлари.

Франция томонидан мустамлакага айлантирилган Янги Каледония сургун ҳудудга айланди. Яъни сургун қилинганларнинг барчаси Янги Каледонияга келтирилган. Кўпчилик қулоқлар сургун муддати тугаганидан сўнг ҳам ушбу оролда қолганлар. Плантация ва конларда ишлаш учун ўтган асрнинг 90 йилларида Осиё мамлакатларидан ишчиларни, хизматчиларни олиб келадилар. Осиё ва Европадан кўчиб келганларни сонига қарамай, бу ернинг туб аҳолиси 2/5 ташкил этади. Антропологик жиҳатдан улар австролоид ирқига мансуб. деҳқончиликда сунъий суғориш

кенг қўлланилган. Турар жойлари доира шаклида бўлган. Фиджи халқлари. Охирги юз йиллар мобайнида Фиджи архипелагининг этномаданий қиёфаси тубдан ўзгарди. Аҳолиси 600 мингдан ортиқ. 1874 йилга келиб Фиджи архипелаги Буюк Британиянинг мустамлакасига айланади. Европаликлар бу ерда плантациялар ҳосил қилдилар. Шакарқамиш ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Хўжаликда фиджиликларнинг асосий экини кокос пальмаси эди.Улар ҳамон доирасимон кулбаларда яшайдилар. 1970 йилга келиб Фиджи ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Полинезия халқлари.

Полинезия халқларининг антропологик типига тананинг қоралиги, баланд бўй, жингалак сочлар, қалин тукли, юзи ўртача анча энли бурун хос. Полинезия тиллари австронезия оиласининг шарқий океан гуруҳи океан тармоғига киради. 40 яқин полинезия халқлари мавжуд. кўп сонли этнослардан; маори – зоо минга яқин самоа – 222, тонга – 94, гавайяликлар – 120, таитяликлар – 82.

Океаниянинг майдони 4 нуқта билан чегараланган. Тинч океани харитасида у 62 млн. кв.км. эгаллайди. Қуруқлик яъни ороллармайдони 1.232 минг кв.км. (яъни океан майдонидан 50 марта кам.)

1. Янги Зеландия – 265 минг км
2. Гонга архипелаги 150
3. Қадимги мустақил Ғарбий Самоа, бу ерда 150 минг киши истиқомат қилади, шундан: 90% самоаликлар, 9% метислар, немец ва Янги Зеландия ҳам мавжуд.
4. Мустақил Тувалу давлати.

Хўжалиги Полинезияликларнинг асосий хўжалиги бу қўл деҳқончилиги ва балиқчилик бўлган. Асосий экинлари какос пальмаси, нон дарахти, банан, таро, янс, батаб, қовоқ, кабачки. Қуроллари ёғоч қозиқ, ҳозирда эса темир белкурак. Уй ҳайвонлари: ит, чўчқа, товуқ. Ҳозирда эса бошқа ҳайвонлар ҳам пайдо бўлган. Янги Зеландияда эса хўжаликнинг асосий тармоғи қўйчиликдир. Полинезияликлар ҳаётида асосий ролни балиқчилар эгаллайди. Улар яхши ҳунармандлардир. Улар турли-туман маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Дарахтдан ҳар ҳил буюмлар, сумка тўшамалар тўқийдилар. Тикувчилик умуман мавжуд эмас, кулолчилик ривожланмаган. Улар метални ҳам билишмаган. Улар ажойиб денгиз сузувчилари бўлган. Ҳозирга қадар полинезияликлар асосан қишлоқларда яшайдилар. Анъанавий уйлари устун кўринишига эга тўғри тўртбурчак ёки овал шаклида. Уй деворлари асосан барглар

тўқилган. Ҳозирги кунда кўпчилик полинезияликлар европа услубидаги уйларда яшайдилар. Кийимлари асосан боғичдан иборат, юбка ҳам мавжуд. Кийимларни тикишда ўсимлик толалари ўт, қуш терилари ва парларидан фойдаланадилар. Улар севимли безаклари бу гул тақишдир. Ижтимоий қатлами жуда чуқур илдиз отган. Барча архипелагларда уруғ йўлбошчилари мавжуд эди. Элита қатлам эса (ариклар, арийлар, алинлар). Машҳур оилаларни ороллларда энг яхши ерлари бўлган. Жамиятнинг асосий бўғини бу патриархал оила эди. XIX асрнинг бошларига келиб бир қатор полинезия халқларида илк синфий давлатлар вужудга кела бошлаган (гавайяликларда, таитияликларда, тонгаликларда). Аммо аввалги ижтимоий тузум ҳам сақланиб қолган. Миланезиядаги каби, уларда ҳам “мана” мавжуд эди. Ҳозирда аҳолининг кўпчилиги христианлашган. Полинезияликлар анча билимли халқ эди. Уларда ўзига хос 4-5 йиллик мактаб таълими мавжуд бўлган. Пасха ороли аҳолиси ўзининг ёзувларини кашф этган. Мусиқа ва тасвирий санъат яхши ривожланган эди.

Микронезия халқлари

Микронезиянинг барча халқлари австронезия оиласи тилларида гаплашадилар. Ғарбда эса ғарбий австронезия, шарқда шарқий австронезия тармоқлари тарқалган. Ғарбий австронезия тилларида Микронезияда иккита халқ гаплашади – чаморро (73 минг) ва белау ёки полау (15 минг). Океан тармоғига тегишли бошқа халқлар орасида тунгар ёки гилбертулар (64 минг), трук (35 минг) маршалик (25 минг) понаплар (25 минг) кўпчиликни ташкил этади.

Аввал айтиб ўтилганидек Ғарбий ва Шарқий Микронезия аҳолиси бир-бирларидан нафақат тил, балки маданий муносабатларда ҳам фарқ қиладилар. Улар ирқий қиёфа жиҳатидан ҳам фарқ қиладилар. Агар Шарқий Микронезия архипелагларида Полинезия ва Миланезия ирқий типларини кузатсак, Ғарбий Микронезияда эса Жанубий Осиё ирқий элементлари кузатилади.

Европаликлар билан илк алоқалар даврида Микронезия аҳолиси деҳқончилик ва балиқчилик билан шуғиланади. Деҳқончилик ғарбий микронезияда кўпроқ ривожланган. Чаморро – океаниянинг ягона шоли етиштирадиган халқидир. Ғарбий Микронезияда ямс, таро, банан, кокос пальмаси, нон дарахти, шакарқамиш етиштирилган. Ерга ёғоч ёки тош мотигаси билан ишлов

берилар эди. Шарқий Микронезияда кўпроқ балиқчилик билан шуғилланишган. Овчилик Микронезияда суст ривожланган. Уй ҳайвонларидан ит ва чўчқа маълум бўлган. Ҳунармандчилик жиҳатидан ҳам ғарбий ва шарқий Микронезия қарқ қилган. Ғарбда кулолчилик билан шуғилланишган, шарқда эса тикувчилик станогида ишлай билганлар.

Мариан, Палау, Яп ороллари да уйлар тош устун ёки қозиқ оёқларда турган. Девор ва томлар пальма баргларидан қилинган. Каролин, Маршалл ва Гилберт ороллари да турар жойлар тўртбурчак шаклда деворсиз кўтарилган. Ғоҳида бой хонадонлар тош пойдевордан қилинган. Ҳаракат воситаси сифатида қайиқдан фойдаланишган.

Кийим деярли бир турда бўлган, эркаклар боғичларда, аёллар ўт ёки барглардан юбкаларда юришган. Айрим жойларда кийим умуман мавжуд эмас эди. Таомда балиқ, ўзлари етиштирган ўсимликлар, гоҳида товуқ ва ит гўштларини ҳам ишлатганлар.

Жамият тузуми: ибтидоий жамоа шаклида бўлиб аҳоли табақага бўлинган. Айрим ороллар да она уруғи ҳукмрон бўлган. Палау, Яп ороллари да эркак ва аёллар иттифоқлари мавжуд эди. Никоҳ жуфт никоҳдан иборат бўлган. Асосан катта оилалар жамият бўғинини ташкил этган.

Айрим ороллари ўртасида айрибошлаш жонланган, бу эса пулнинг пайдо бўлишига олиб келди: мунчоқ, маржон, чиғаноқлар. Айрибошлашда тош дисклар катта мавқега эришди. Яп ороллари да у умумий эквивалент ҳисобланган. Микронезиянинг анъанавий дини кам ўрганилган. Бу ерда аждодлар, ўликларга сиғинишган, руҳларга ишонч, шомонликни айрим айрим кўринишлари мавжуд эди. Микронезия фольклори полинезиялик ва миланезияликлар орасидаги ҳолатда бўлган. Миф қаҳрамонлари тўғрисидаги айтишлар кенг тарқалган.

Осиё халқлари.

Осиё улкан қитъа бўлиб, унинг иқлим – табиати ва аҳолиси ҳам ҳилма – ҳилдир. Осиё антропоген ҳудуд ҳисобланиб, қитъада инсоннинг вужудга келиши ва шаклланиши жараёнлари бўлган. Айнан Осиёда барча дунё динлари вужудга келиб сўнг бошқа қитъаларга ҳам тарқалган. Осиёни этнологик жиҳатдан бешта қисмга: Ғарбий (Олд), Жанубий, Жанубий-Шарқий, Шарқий ва Шимолий (Сибирь) тарихий маданий – гуруҳларига бўлинади. География жиҳатдан

қитъанинг 70% дан ортиқ ҳудуди тоғлардан иборат. Дунёдаги энг баланд тоғлар, ёки саккиз минг метрдан ошиқ чўққилар (Жамолунгма ҳам) Осиёда жойлашган. Унга субтропик ҳудудлар билан бир қаторда мўтадил иқлими ҳамда дашт, чўллар ҳам мавжуд. Қитъа флора ва фаунанинг кўплаб турлари ватанидир. Йирик дарёлар Фрот, Дажла, Ҳинд, Ганга, Брахмапутра, Меконг, Хуанхе, Янцзиларнинг бўлиши унда ишлаб чиқариш хўжалигининг эрта ривожланиши имкониятини берган. Ҳозирги Осиёда дунё халқларининг ярмидан ортиғи яшайди. Аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлар юқорида номлари зикр этилган дарёлар воҳаларидир. Табиий иқлим шароитидаги ҳилма-ҳиллик этник таркибнинг, тил ва ирқий классификациялардаги мураккабликни таъминлайди. Энг қадимги одам қолдиқлари питекантропнинг ёши 1 млн. йил билан белгиланади.

Осиёнинг субтропик тоғолди ҳудудларида бундан 10-11 минг йил илгари дастлабки ўсимлик ва ҳайвон турлари хонакилаштирилган, маданийлаштирилган. Хусусан Олд Осиёда: ёввойи буғдой, икки қаторли арпа, нўхот ва бошқалар. Ҳайвонлардан: ёввойи эчки, муфлон (қўй) тўнғиз, тур, ва бошқалар хонакилаштирилган. Бу эса мил. авв. 8 – 5 минг йилликлардаёқ энг қадимги деҳқончилик ва чорвачиликка асос бўлади. мил. авв. 4 – 3 минг йилликларда энг қадимги давлатлар Шумерда вужудга келади. шундан сўнг илмга асосланган деҳқончилив, боғдорчилик, тўқимачилик, ёзув, пул вужудга келади. тез орада Осиёда бошқа давлатлар: Элам, Моҳенджо- доро, Хараппа ташкил топади. Мил. авв. 2 – 1 минг йилликларда шарқий ва жанубий – шарқий Осиёда давлатлар пайдо бўлади.

Чўл, дашт, тоғ олдт ҳудудларида аҳоли қадим замонларда комплекс хўжалик: термчилик, овчилик, чорвачилик шуғулланиб келган. Мил. авв 2 минг йиллик охирларида ҳудудда чорвачилик кенг тус олган. Мил. авв. 1 минг йиллик бошларида чорвадорлар гуруҳи ижтимоий – иқтисодий ва табиий иқлим шароитига қараб кўчманчи ва ярим кўчманчиларга ажрала боради.

Айни пайтда давлатлар вужудга келган ҳудудлар чегараларида овчи – балиқлар ва ибтидоий термчилар гуруҳлари истиқомат қилишган. Жануби – шарқий Осиёнинг айрим худудларида ҳозирга қадар балиқчилик ва термчилик билан шуғулланадиган аҳоли гуруҳлари мавжуд.

Осиёда турли географик тарихий, ижтимоий сабаблар туфайли мураккаб этник жараёнлар кечган. Минглаб йиллар давомида бу ҳудудда миграциялар, урушлар, демографик

портлашлар туфайли этносларнинг аралашуви кўлами ва турлари мислсиз тарзда бўлган. Тиллар, динлар, хўжаликлар ва бошқа маданий қадриятлар алмашганлигини кузатамиз. Осиёда барча ирқ вакиллари учрасада асоаий кўпчилик монголоид ва европоидлардир. ирқлар чегараларида турли ирқий типлар вужудга келгани ҳам табиийдир.

Осиёнинг тиллари ҳам мураккаб ҳудудда йирик юзлаб миллион аҳоли гаплашадиган тиллар қаторида майда ёки камёб тилли этнослар ҳам учрайди. Айни мураккаблик хўжалик – маданий типларга ҳам таълуқлидир. Қитъада овчилар, балиқчилар, мотига деҳқончилиги, кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлар, омоч, плуг деҳқончилигини ҳам учратамиз. Осиёда Тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторда кўплаб камбағал мустақил тараққиётга ўтганига кўп бўлмагам мамлакатлар ҳам мавжуд.

Ғарбий (Олд) Осиё халқлари:

Унга кичик Осиё ва Арабистон яриомороли, Ўртаер денгизининг шарқий соҳиллари, Месопотамия ва ўрта шарқ (Эрон ҳамда Афғанистон) аҳолиси киради. аҳолиси 170 млн киши. Мамлакатлар: Афғанистон, Бахрайн, Исроил, Иордания, Ироқ, Эрон, Яман, Қатар, Кипр, Қувайт, Ливан, Бирлашган Араб Амрликлари, уммон, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия киради.

Олд Осиёда одамлар неанделталлар давридан яшаб келади. Мезолит даврида Ғарбий Осиёнинг ва шарқий ва марказий қисмларида нутуфий маданияти, шимолда эса зарзий маданияти шаклланган. У замонлардаги этник тартибни аниқлаш мушкул лекин оглимларнинг фикрича ирқий жиҳатдан аҳоли европоид бўлган. Аҳолининг этник тартиби ҳақидаги иле маълимотлар мил. авв. 4 – 3 минг йилликларга оид. Айнан шу пайтда шумерлар ўзларининг миххат ёзувларини ихтирно қилган. Лекин шумерлар тили ҳозирда бизга маълум бўлган бирор халқнинг тилига ўхшамайди. Олимлар Ғарбий Осиё аҳолисининг қолган қадимги тилларини шартли равишда “каспий тил” гуруҳига киритадилар, ҳудудда семитларнинг аждодлари яшаганлигини таъкидлашади. Масалан: мил. авв. 3 минг йилликда яшаган аккадлар семит тилли бўлишган. Улар бошқалар билан ҳамкорликда қадимги Бобил маданиятини яратишган. Ҳудуддаги бошқа халқлар хусусан финикияликлар ҳам ўз ёзувларини яратганлар. Мил. авв. 2 минг йилликда Олд Осиёда илк Ҳинд европа тилли аҳоли пайдо бўлиб улар Хет давлатини тузадилар. Мил. авв. 14

асрда яна бир давлат Урарту вужудга келади. Мил. авв. 1 минг йилликларда ҳинд – европа тиллик аҳоли тарқалган ҳудудларда қудратли давлатлар : Мидия, Форе (Пареуа), сал кейинроқ Бақтрия ва Парфия вужудга келади. Олд Осиёдаги этник жараёнларга милодий 7 – 8 асрларда араблар истилоси ҳам катта таъсир кўрсатади. Янги этник жамиятлар шаклланиб, араб маданияти кенг тарқалади. Олд Осиёга Ўрта Осиёдан туркий қабилаларининг кўчиб ўтиши ҳам аҳамият касб этади. Этник тартибдаги сўнгги қатлам айнан салжуқий турклар (ўғузлар) билан боғликдир. Бугунги кунда Ғарбий Осиёдан етакчи тиллар: ҳинд – европа, семит – ҳамит ва олтой тилларидир. Ҳинд – европа тилларининг эрон тил гуруҳи тарқалган. Ирқий жиҳатдан аҳоли европоид, араб мамлакатларида қисман негроид – ҳабашлар, Афғонистондаги ҳазораларда мўғуллик хусусиятлари мужассамлашган. Олд Осиё аҳолисининг турли туманлиги билан хусусиятланади. Туркия 61,4 млн энг йирик этнос турклардан ташқари куртлар 5 млн. симмитлар 820 млн. славянлар 70 млн. арманлар 150 млн ва ҳакозо. Эрон (1995 йил 61,3 млн) 40 дан ортиқ халқ ва элатлар мавжуд. Форслар 45,6% курдлар 9,1% - 5 млн; туркийзабонлар 13,280 м улардан озарбойжонлар 10 млн, туркманлар 1,0 млн, мемитлар 10 м, арманлар 200 м ва ҳ.ко.

Афғонистон майдони 647,5 м.км. аҳолиси 18,4 млн. Эрон гуруҳи 15,8 млн пуштунлар 10 млн тожиклар 4,0 млн, туркий халқлар 2 млндан ортиқ.

Исроил – 68,7 м км. аҳолиси 5,5 млн. Яҳудийлар – 83,5 % араблар 16,8%. Расмий тили ибрит. Қадимги яҳудий алфабити ёзуви асосидадир.

Хўжалиги. Хўжалик асоси деҳқончилик айни пайтда кўчманчи, ярим кўчманчи чорвачилик хўжалиги ҳам ўз ўрнига эга. Ғарбий Осиёда деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган. Суғориш тўғонлар, сув омборлари, каналлар кўмагида ўз оқими ёки насослар ёрдамида сув ҳайдаб берилади. Чиғир ёрдамида баланд жойларга сув чиқариш давом этмоқда. Ҳозирга қадар суғоришда коризлардан ҳам фойдаланишади. Ҳовуз, қудуқлар ҳам ўз ўрнига эга. Эрон ва Афғонистонда лалмидан ташқари суғориладиган экинзорларда дон, буғдой, арпа етиштирилади. Хурмо дарахти, цитрус шоли экилади. Яманда кофе ўстирилади. Субтропик ҳудудларда боғдорчилик, узумчилик, цитрус, бодом, писта ўстирилади. Туркия, Эрон, Афғонистонда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари қатори пахта тамаки, мавали дарахтлар экилади. Эрон аъло сифатли гуруч етиштиришдан

ташқари зайтундан ёғ олиш учун плантациялар яратган. Қўл меҳнати кенг қўлланилиб, сув тегирмонлари, қўл ёрғичоқлари ҳам сақланиб қолган. Чорвачилик асосан чўл ва тоғли ҳудудларда тарқалган. Саудия Арабистонида бир уркачли драмодерлар, Эрон ва Афғонистонда қўйчилик етакчи ўрин тутади.

Ҳунармандчилик ва уй касаначилиги. Дамашқ пўлати заргар усталар, тош ва суякка ўймакор нақш тушириш, ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Эронда энг машҳур гиламлар тўқилади. (Эрон, туркман, турк гиламлари). Сопол идишлар ясаш ҳам қадимги тарихга эга. Тўқимачилик ҳам ривожланган.

Моддий маданият. Ғарбий Осиё халқлари асосан қишлоқларда яшайди. Қишлоқлар йирик тартибсиз қурилган уйлар йиғиндиси. Энг кўп қишлоқлар тоғли ҳудудларда учрайди. Қўрғонлар марказида бозор майдони, масжит, кафе, чойхона, маъмурий бинолар жойлашган Қурилиш ашёлари маҳаллий шароитга мос. Тоғда тош, чўл-даштларда сомонли лой. Кўчалар аксари тор илонизи, кўпгина қишлоқларда водопровод, газ ўтказилмаган. Ғарбий Осиёга ҳозирга қадар маълум сондаги кўчманчи ва ярим кўчманчилар мавжуд. Уларда қишлов ва ёзлов (яйлов) жойлари бўлиб, бадавийларнинг ёзги лагерида баъзи юзлаб оилалар тўпланиб, бу ҳол ҳудуддаги қудуқларнинг сийрак ва зичлигибилан ифодаланади. Ҳозирда бадавийларда замонавий техника ва алоқа воситалари мавжуд. Шунга қарамасдан анъанавий хўжалик уларда ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Олд Осиёликлар уй – жойлари тўртбурчакли ашёси қаерда қурилгани билан, тоғдами ёки текисликда боғлиқдир. Арабистон ярим оролининг жанубида 8-10 қаватли ҳом ғиштдан қурилган уйлар учрайди. Кўпгина ҳудудлардаги уйларнинг томлари текис ёпилган.

Уйнинг тархи эгасининг моддий имкониятлари билан боғлиқдир. Ҳовлилар ичкари ва ташқарига бўлинади. Уй-жойлари баланд деворлар билан ўралган.

Уй жиҳозлари аксари кўпчиликда бўйра кигиз бўйра, пол устида ётиш учун супа кроватлар буюмлар жойлаштирилган сандиқлардан иборат. Мебел ҳам кўпинча хонтахта ўтириш учун стуллардан иборат. Уйлардаги анъанавий жиҳозлар қишлоқларда кўплаб сақланган.

Турманлар ўтови йиғиладиган ёғоч суяклардан (қисмлардан) иборат. Уларнинг устидан кигиз намат қопланади. Қолган кўчманчилар уйлари жун газлама ёки

бризент билан қопланадиган ўтовлардан иборат. Уларни тортилган тўр устидан қоплашади.

Идишлари. Анъанавий идиш-товоқлар сопол ёки темирдан ясалган. Обдаста, кўзага ўхшаш узун тумшуқли идишлардан сув сақлашда, ювинишда фойдаланадилар. Қовоқдан қурилтилиб ишланган идишлар ҳам учрайди. Кўчманчиларга теридан мешлар, сут ва сув сақлаш учун ишлатилган. Овқатни қозонда тайёрлашади. Чой, сут ва кофени чинни идишлардан истеъмол қилишади. замонавий фабрика идишлари анъанавий идишларни тобора истеъмолдан суриб чиқармоқда.

Кийимлар. Эркакларнинг одатий кийими белдан пастига этаги тушадиган кўйлак, кенг катта қадам ташлаб юришга мўллжалланган иштон – шим, елкага яхтак ёки плаш. Бош кийимлар ҳилма – ҳил. Қишда қўй терисидан пўстин кийилади. Бадавийларда анъанавий кийим кенг кўйлак ва иштон енгли ёки енг ўрнида қолдирилган тешикли плашлар. Турли этнослар ва қабилалар аҳолисининг кийим ранглари турличадир. Эронда ўтмишда чакмон кийишган (кафтан). Афғонистон пуштунлари қишда оқ ёки малла рангли чакмонлар кийишади.

Деҳқонларда кийим – кечак учун асосан пахта газламалардан фойдаланилади. Кўчманчиларда қишқи кийимларни жун газмалардан тикишади. Арабларда эркаклар бош кийими махсус румол (куфия), уни бошнинг атрофида жундан тугунчалар билан безатилган ип билан мустаҳкамлайдилар. Эрон ва Афғонистонда ёзда ҳам қишда ҳам қоракўлдан телпак киядилар. Салла ўрами кенг русум бўлган. Оёқ кийими сандал, туфли, этиклар. Анъанавий кийимлар асосан кўчманчиларда: бадавийлар, белужийлар, пуштунлар, лурлар, бахтиёрларда кўпроқ сақланган.

Аёллар кийимлари. Узун тўпиғигача тушадиган кўйлак ва ингичка узун лозимлардан иборат. Кўйлаклар устидан кофта, халат, плашлар кийилади. Бошларидаги рўмоллари кўпинча заргарлик буюмлари билан безатилган. Кўчманчилар аёллари румоллардан бошларида ўрама тепача ясаб юрганлар. Анъанавий аёллар кийимлари кўплаб, турли безаклар билан тўлатилади. Қошга сурма қўйиш, тирноқлар, сочларни бўяш, қўл оёқларига хина қўйиш кенг ёйилган. Анъанавий транспорт воситаси миниб юрган. Юк ташийдиган ғилдиракли ва сув транспортларидан иборат.

Таомлар. Буғдой нон, ўсимлик ва сут маҳсулотларидан таомлар кенг тарқалган. Гўшт, сут, ёғ, хўжалик йўналишига

қараб кам ёки кўпроқ ишлатилади. Кофе, кўк ва қора чой ва бошқа ичимликлар кенг тарқалган.

Оила. Ортокузен никоҳ, бир қорин наридаги ака-укалар ва опа-сингиллар никоҳига рухсат берилиши. Кўчманчиларда эндогам никоҳ. Айрим ҳудудларда жамоа тартиблари сақланган.

Кўчманчиларда жамоалар уруғ – қабилага мос, масалан бадавийларда. Анъанавий хунн (қон олиш) қасоси ўзаро ёрдам, жамоавий муносабатлар қатъий сақланмоқда.

Маънавий маданият. Халқ ижодиёти бой ва ранг – баранг. Арабларнинг ва бошқа халқларнинг фольклори эртаклари афсоналари **“Минг бир кеча”.** Туркларда “Насриддин Афанди” латифалари Олд Осиёликлар мусиқа ва рақслари турли – туман ва бойлар. Анъанавий халқ ўйинлари: кураш, мерганлик, халқ табобати ҳам машҳур.

Дин. Ислом: сунна ва шиа масҳаблари. Саудия Арабистонида ваҳобийлик, Сурияда исмоилитлар.

Христианлик ва ислом орасидаги йезидлар, курдлар, Шимолий ва Ғарбий Сурияда шиа ва христианлик орасидаги нусайритлар мавжуд.

Жанубий Осиё этнологияси.

Ушбу тарихий этнографик вилоятга Ҳиндистон ярим ороли, Шри Ланка ороли, Ликкадив, Андаман, Никобар, Мальдив ороллари киради. Бу ердаги Ҳиндистонда 900 млн, Бангладешда 119,9 млн, Покистонда 129 млн, Шри Ланкада 19 млн, Мальдив республикасида 300 минг киши яшайди. Непаль қироллигида 22,6, Бутан қироллигида 1,3 млн аҳоли мавжуд.

Вавилов назарияси бўйича Жанубий Осиё шоли, шакарқамиш, дуккакли, ёғли, техник экинлар ватанидир. Кейинчалик ҳудудда банан кокос пальмаси, чой тарқалган. Фауналида – ҳинд елкасида ўркачи бор уй моли зебу, ҳинд қўтоси мавжуд.

Этник тарих. Жанубий Осиёнинг антропоген ҳудудлиги масаласи охиригача ечилмаган. Лекин бу ерларда дриопитеклар яшагани, голшнидлар, рамапитекларнинг бўлгани тасдиғини топди. Айни пайтда Жанубий Осиёда ҳали-ҳануз архантроплар ва палеоантроплар суяклари топилмаган. Аммо олимлар илк палеолит одамларининг меҳнат қуролларини топганлар. Шунга асосланиб бу ерда одамзот 1млн йилдан буён яшайди ва инсоннинг шаклланиши бўлганлиги шубҳа остига олинмайди.

Олимларнинг фаразича сўнгги палеолит ва мезолитда бу ҳудудда яшаган аҳолининг туси веддоид бўлган.

Тиллари австрало – осиё – океания зонасидаги тиллар билан яқин ҳисобланади.

Тилшуносларнинг фикрича милоддан аввалги III-II минг йилликларда Ҳиндистон ярим оролининг узоқ вилоятларига қадимги дравид ва мунда тилларида гаплашадиган қабилалар кира бошлайди. Миграциялар давомида дравид ва мундалар маҳаллий аҳоли билан аралаша борадилар. Бугунги кунда фақат Марказий Ҳиндистонда мундалар мавжуд 8 млн 435 минг улардан соф мундарийлар 1,6 млн. киши.

Милоддан аввалги II минг йилликда Шимолий Ҳиндистонга ҳинд-европа тилларида сўзлашадиган арий қабилалари бостириб киради. Эрон, тоҳар тилларида гаплашадиган аҳоли Ҳиндистонга кейинги асрларда ҳам келган. Орийлар чорвадор ва деҳқон бўлишиб улардан бизгача гимнлар тўпламлари, удум – маросимлари тавсифлари етиб келган. “Ричведа” ведаларидан энг қадимгиси. Ҳиндистондаги тоифалар – каста – варналар ҳам орийлардан бошланади. Ярим оролнинг шимолий-шарқида қадимданоқ тибет-бирма тилларида сўзлашувчи мўғил ирқига мансуб, тибет-бирма тилларида сўзлашувчи аҳоли шаклланади. Милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Шри – Ланкага ҳозирги сингалларнинг аждодлари келганлар. Оролга шу пайтдан дравид тили тамиллар ҳам келиб жойлашган.

Замонавий этник таркиб. Жанубий Осиёда 200 га яқин катта – кичик халқлар яшайди. Масалан Ҳиндистонда расмий маълумотномаларда келтириллган 29 тилда 1 млндан ортиқ аҳоли гаплашиб улар барча аҳолининг 98,7 % ни ташкил этган. Жанубий Осиёда тамил, телугу, каннара ва малаяки тиллари дравид тил оиласи ҳисобланиб унда 200 млнга яқин киши сўзлашади. 1951 йилги аҳоли рўйхатида Ҳиндистонда 645 та тил ва шевалар бўлса, 1971 йилга келиб уларнинг сони – 281 тага тушади. (амида 5 минг кишининг тили олинган). Энг йирик этнослар – ҳиндлар (ҳиндустанликлар) 200 млн. киши, бихорликлар 75 млн ва ҳ.к.о

Жанубий Осиёнинг аҳолиси – ҳинд, эрон ва дард тил гуруҳларига мансуб бўлиб, уларни ҳинд – европа тил оиласи бирлаштириб туради. Аҳолининг маълум қисми хитой-тибет тил оиласига киради. Сўнгги йилларда кам сонли аҳолининг йирик этнослар тилига ўтиши тезлашмоқда.

Антропологик жиҳатдан Жанубий Осиёнинг шимолий қисмида жанубий еврокеалулар яшаса, шимол ва шимолий – шарқда мўғил ирқига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Кўплаб аралаш учрайди. Андаманларда пастбўйли

австролоидларни кўрсак, Жанубий Осиёнинг жанубдаги халқларда веддоилик белгилари кучли намоён бўлади.

Хўжалик. Жанубий Осиё флора ва фаунани хонакилаштириш ҳудуддига кирмайди. Милоддан аввалги IV минг йилликка қадар унинг барча ҳудудларида ўзлаштириш хўжалиги ҳукмрон бўлган. Шундан сўнг дастлабки деҳқончилик ва чорвачилик манзилгоҳлари пайдо бўлади. Милоддан аввалги III мингйилликда Ҳинд дарёси воҳасида Жанубий Осиёнинг энг қадимги цивилизациялари Мохинжо – Доро ва Хараппалар шаклланади. Узоқ асрлар давомида хўжалик тараққиёти асосан дарё ва бошқа сув манбалари атрофларида юксалади. Воҳалар чеккаси ва жунглиларда кам сонли қабилалар, ўзининг анъанавий хўжалиги орқали яшашда давом этади. Табиий аҳолининг кўпчилиги деҳқончилик билан машғул бўлган. Милоддан олдинги даврларда хўжаликда плуг деҳқончилиги, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан қўшиб олиб борилган. Асосий озиқ маҳсулоти – шоличилик, иккинчи ўринда бўғдой, сўнг сули ва дуккакли экинлар етиштириш бўлган. Савзавот ва мевачилик ҳам ўз ўринига эга эди. Техник экинлардан – пахта, шакарқамиш, чой, каучук, кофе, тамаки ва бошқалар ҳам экилган.

Бенгаллар қишлоқ хўжалиги ҳам ўз хусусиятларига кўра ҳиндларникига яқин бўлган. Покистонда шоли, бўғдой сули, ёғли экинлар ўстирилган. Синд ва Покистоннинг шимолий ғарбида кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлар яшаган. Жанубий Осиё деҳқончилиги сунъий суғоришга асосланган.

Моддий маданият.

Жанубий Осиёликларнинг ҳам кўпчилиги қишлоқ жойларида яшайди. Деҳқонлар қишлоқлари режаси, уй-жойлари турлари ҳилма-ҳилдир. Ҳинд ва Ганг водийларидаги қишлоқлар: кўчалар бўйлаб қурилган, ўнлаб уйлардан иборат. Деворлар лойдан, уйларнинг усти, томи текис қилиб ёпилган. Жанубий Осиёнинг шимолий қисмида бир ёки хонали, айвонли уйларда яшашади. Ярим оролнинг жанубида қурилиш ашёси сифатида тош ва дарахтдан фойдаланилади. Ҳимолай тоғлари вилоятларида баланд тош устунлар ёки пойдевор устида уйлар қуришган. сабаби ёғингарчиликнинг кўп бўлиши, сернамлик, сел – суронлар аҳолини шунга мажбур этган. Ганг воҳасида синчли уйлар қурилиши кузатилади. Аъанага кўра қишлоқларда аҳоли тоифасига кўра жойлашиши давом этмоқда. Одатда энг пастқам чекка жойлар, уйларда “хазар қилинадиганлар” яшашади.

Покистонда синдхлар йирик қишлоқларда яшайдилар. Уларнинг уйлари унчалик катта бўлмасдан лойдан қурилган, баъзида синчли, бўйра устидан лой билан сувалган. Томлари текис. Турар – жойлар лойдан деворлар билан ўраб олинган.

Бенгалия ва Бихарда ҳам йирик қишлоқлар бўлиб уларда минглаб аҳоли яшайди. Айни пайтда овул шаклидаги, уйлари кўп бўлмаган қишлоқлар ҳам учрайди. Улари синчли ёки лойдан 1- 2 хонали

Ҳиндистоннинг жануби ва Шри Ланкада уй – жойлар қурилиши, тархлари ранг-баранг. Хусусан дравид тилли пелегулар (андхра) унчалик йирик бўлмаган қишлоқларда яшайдилар. Андхра уйлари пахсадан ёки синчли, тамиллар ғишт ва бамбукдан қурилган уйларда яшашади. Паст тоифа вакиллари уйлари шоҳ – шаббалардан қурилган ва усти (томи) пальма япроқлари билан қопланган. Шри – Ланкада уйларни тўқилиб сувалган, синчли таглик устида қуришган. Айрим уйларнинг айвонлари бўлган.

Деҳқонларнинг уйларида паст бўйра билан қопланган супача бўлиб, унда ўтириб таом ейишдан ташқари тунда ухлаш жойи ҳам бўлган. Мебель турлича ўймакор паст столчалар, ўриндиқлар ва бошқа уй жиҳозлари тайёрланган.

Жанубий Осиёнинг кўчманчи аҳолиси жун газлама қопланган ёки брезент билан ёпилган чодирларда яшашади. Улар чодирни ўртасида ўчоқ ўрнатганлар. Тропик ўрмонлар ва тоғли вилоятлар аҳолиси турар жойлари ҳам турлича. Ҳар бир қишлоқлар мустаҳкам тўсиқлар билан ўралган. Нага ва кхасалар ўз уйларини устунлар устида дарахт танасидан қурганлар, синчли уйлар ҳам учрайди. Сингаллар анъанавий, кўчалар бўйлаб қурилган қишлоқларда яшаб, уйлари бамбук ва қамишлардан қурилган. Ўрмон қабилалари палайян ва уладанлар тарқоқ жойлашган, лекин йирик қишлоқларда яшаганлар. Уларнинг енгил кулбалари устунлар устида қурилган.

Андаманлар ўнлаб, баъзида юзлаб кишилар истиқомат қиладиган жамоа уйларида яшашади. Унинг ичида ўрнатилган ики қатор устунллар устига том мустаҳкамланиб у пальма япроқлари билан қопланган. Уйнинг томи ергача тушиб, девори бўлмаган унинг учида чап ва ўнг томонлар бўйлаб ўрнатилган супаларда, кичик-кичик ораси ажратилган олди – очиқ хоналарда биттадан оила жойлашган. Ведаларнинг бир қисми XIX асрда ғорларда яшашида давом этган. Улар овгв чиқиб тунаб қолишлари

зарур бўлганида шамолга қарши чайлалар ёки паналар қуйишган.

Кийимлари.

Асосий турлари : тикилган ва ўрама кийимлар. Эркакларнинг ўрама кийимлари дхоти деб номланган. Узун ёки калта бўлган. Аҳолининг қуйи табақалари белбоғлари кўйлаклар бошига қалпоқлар кийишган. Бенгаллар панжобликларнинг бир қисми салла ўраганлар. Ҳиндистонда мавжуд удум теридан пойафзал кийишни тақиқлайди. Қишлоқ аҳолисининг катта қисми оёқяланг юради. Айни пайтда газламаладан тайёрланган оёқ кийимлари тарқалмоқда. Аёлларнинг асосий кийимлари ўрама сари, тана атрофида айлантирилиб бир учи елкага ташлаб қўйилади. Саринг учини баъзида рўмол сифатида ҳам ишлатишади. Аёллар унга қўшимча кофталар ёки рўмоллардан ҳам фойдаланишади. Айрим халқларда аёллар кийимлари тикилган кўйлаклар, кенг юбкалардан лозимлардан иборат. Бу ҳилдаги кийимлар кўчманчилар аёлларга хосдир. Барча халқлар аёллари кўплаб зеб – зийнатлар тақишади. Хусусан Ҳиндистонда аёллар браслет қулоқларига зирак бурунларига узук қулларига билакузуги узукларни тақади. Анъанавий кийимлар жанубий Осиёда ҳозирги кунга қадар кенг тарқалган. Бу ҳол айниқса мотига деҳқончилиги аҳолиси дайди овчи ва термачилар гуруҳларида кўпроқ учрайди. Кийимлар аксари енгил. Масалан, тоғли **нагаларда** эркаклар белбоғча ёки дхоти кийишган. Аёллар таналари атрофида газлама бўлагини ўраганлар. Аёллар елкаларига турли ёпинчиқ ва шарфларни ташлаб юрганлар. Ведалар ва андаманлар кийимлари анча содда кўринишда

Таомлари

Идишлари турли сопол ва ёғочдан. Қишлоқларда қовоқ ва бамбуклардан идишлар тайёрлашади. Тарелка ўрнида ўсимлик баргидан фойдаланилиб таом қўл билан ёйилади. Таомларни асосини ўсимлик ва сутли озиқалар ташкил қилади. Сабзавот ва мевани кўп истемол қиладилар. Денгиз ва дарёлар соҳилларида яшовчи аҳоли таомларида балиқ муҳим ўрин тутади. Анъанавий транспорт воситалари оғир юк кўтаришга мўлжалланган араваларга от туялар қўшилган. Жунглиларда махсус юк ташувчилар тоғларда шерплар елкаларида юк ташиганлар.

Оила ва оилавий аҳвол.

Аҳолининг ижтимоий – иқтисодий тараққиётидан келиб чиқиб фарқланади. Баъзида аҳоли қайси динга эътиқод қилиши ҳам муҳим, индуслар ва мусулмонларда никоҳ куёв ва

келиннинг оиласи томонидан келишилган ҳолда ўтказилади. Аввалари бу борада ёшларнинг тоифадан эканлиги ҳам муҳим эди. Матриархат унсурларини сақлаб қолган Ҳиндистондаги наирлар кхаси, горолорда аем, мерос она уруғи томонидан белгиланган.

Андаманлар, ведларда узоқ даврлар уруғчилик мунасабатлари сақланиб қолган. Қишлоқ жамоаларида маҳаллий бошқарув тизими мавжуд. Айрим тоифаларнинг келиб чиқиши қадим замонларга бориб тақалади. Бошқалари меҳнат тақсимоти рўй берган даврда, яна бирлари эса этник мансублик билан боғланган. Ҳиндистонда касбкор билан алоқадор кастачилик ҳам мавжуд. Каста-варна тизими дин томонидан тан олиниб, ҳимояланиши, уларнинг узоқ сақланиши сабабларидан биридир. Брахманлар, кшатрийлар, вайшилар, шудралардан, ташқари яна минглаб касталар бўлиб, уларда никоҳ эндогамлиги сақланиб қолмоқда.

Мотига деҳқончилиги билан шуғилланадиган аҳоли ҳаётида уруғчилик тузумининг унсурлари узоқ вақт сақланиб қолган. Қалоқ дайди овчилик, теримчилик ва балиқчилик билан шуғилланадиган аҳолида қон-қариндошлик муносабатлари бошлангғич даражада учрайди ҳам. Ведлар, андаманларда уруғ-қабилачилик тизими кучли сақланган.

Маънавий маданият.

Кўп асрлик анъаналар. Қадимги достонлар “Рамайяна”, “Маҳобҳарат”ларнинг сақланиб қолганлиги. Уларни ўқиш, намойиш этиш куйлаш давом этмоқда. Қўғирчоқ теарлари мавжуд. Мусиқий санъати, рақс ранг-баранг. Тасвирий санъат ва меъморчилик юксак ривожланган. Аградаги Тож-Маҳал, Банорас ибодатхонаси, Ажанта ибодатхоналари мажмуаси жаҳон меъморчилиги дурдоналари саналади. Ёғоч ўймакорлиги, миниатюра санъати юксалган. Халқ табобати шухрат қозонган. Йога таълимоти машҳур.

Дин. Ҳиндуизм (Вишна, Шива). Буддизм (м.ав. VI асрда). Буддизм билан бир даврда жайнизмнинг вужудга келиши. XVI-XVII асрларда, асосан Панжобда, сикнизмнинг шаклланиши рўй берган. Айрим қабилаларда табиат кучларига сиғиниш ҳам сақланиб келмоқда.

Жанубий – Шарқий Осиё этнологияси.

Унга Ҳиндистон ярим ороли ва Молукка, Сингапур, Индонезия архипелаги, Ириан – Жай, Филиппин ороллари киради. Умумий майдони 4 млн км2. Аҳолиси 472 млн. Жанубий – Шарқий Осиё ландшафти кескин ўзгаришларга учраган. Қадимда бу ҳудудлар ўрмонлар билан қопланган

бўлиб, аҳолиси ҳам сийрак эди. Асосий дарёлари: Меконг, Маянма, Иравади, Солуэн. Ўрмонларни камайишига, уларни ёндириб, деҳқончилик ерларига айлантирилиши ва кесилиши сабаб бўлган.

Этник тарихи.

Ж.Ш.О нинг айрим вилоятлари антропогенезнинг илк босқичлари бўлиб ўтган ҳудудлар ҳисобланади. Олимларнинг фаразича қадимда ж.ш.о Австралия билан қуруқлик орқали боғланган бўлиб айнан ана шу “йўлка” орқали аҳоли жанубдаги қитъага, қисман Океания оролларига ҳам ўтган бўлиши эҳтимол. Табиий қадимдаги этник таркиб ҳозирдагидан тубдан фарқланган. Мил. авв. III минг йилликларда Малай архипелаги, Молукк оролларида ва Филлипин аҳолиси **ўзининг** ирқий хусусиятлари бўйича австрало – веддоидлар бўлишган. Австролоид ирқи бугунги кунда паст бўйли писмейлар....., негритолар, меланизия ва папуаслар типлари билан хусусиятланади. Ҳозирга қадар қадимги ирқий хусусиятлар Филипиндаги аэта, Моллук оролларидаги семангларда сақланиб қолган. Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида кўрилаётган вилоятларга мўғил ирқига мансуб, тили малайя – полинезия тил оиласига мансуб этник гуруҳлар келиб жойлаша бошлади. Миграция милодий аср бошларига қадар давом этиб, бугунги аҳоли таркибининг шаклланишига асос бўлади.

Жанубий-Шарқий Осиёнинг илк аҳолиси австролоидлардан – батаклар, ниасликлар, ментавейлар ва бошқа халқлар сақланиб қолган. Нисбатан кейинги кўчиб келганлар тўлқинлари мўғил ирқига мансуб (масалан: минанг-кабаулар, яваликлар, лаоайцзлар, тагаллар Филиппин) ҳам бугунги кунга қадар мавжуд. Милодий аср бошларида Ява, Сулавеси оролларига кўчиб келган этник гуруҳлар европа ирқига мансуб брахманизм, ҳиндуизм, буддизм динларига эътиқод қиладиган аҳоли бўлган. Улар ўзлари билан кўплаб маданий кўникмалар, хусусан давлат тизими тажрибаларини келтирадилар. Шу тариқа дастлабки давлатларни вужудга келишига шароит яратилади. XI-XII асрлардан Индонезия ва Молукк оролларига ислом дини келтирилади.

Ҳозирги дунёнинг ушбу қисмида: Индонезия (1945), Малайзия (1963), Сингапур (1965), Филиппин (1946) давлатлари мавжуд.

Ҳиндихитой ярим ороли этник тарихи ҳам ўзига хос. Хусусан Мьянманинг энг қадимги аҳолиси австрало – веддоид ирқига мансуб бўлиб, ҳудудга мўғил типли этник гуруҳлар милоддан аввалги III минг йилликдан кира бошлаган. Миграция

тўлқинсимон тарзда бўлиб, милоддан аввалги I минг йилликнинг охирида мьянмалар I-II минг йилликлар чегарасида эса тайларнинг келиши давом этади. Мьянмаликлар (бирмаликлар) нинг давлати милодий асрлар бошларида вужудга келади. XVIII асрда бу ерга келган кеченлар давлат тузадилар. Бирма (Мьянма) нинг мустақиллиги 1948 йили эълон қилинган.

Таиланд - қадимги аҳолиси мон-кхемерлар янги милодий аср бошларидан ҳудудга тайлар (сиамликлар, лаолар) келиб маҳаллий аҳоли билан арлаша бошлайдилар. Асосий аҳоли тайлар бўлиб улар бошқа этник гуруҳларга кучли таъсир ўтказмоқда.

Лаос – қадимги аҳолисининг этник тарихи номаълум. Ушбу ҳудудга лао қабилалари тоғли лаоларнинг кириб келиши милоддан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Лаосда давлатнинг шаклланиши XII асрда якун топади. Кхемерлар билан кураш давомида лаолар илк феодал давлатига асос соладилар. 1945 йили Лаос Франциядан мустақилликка эришади.

Вьетнам – қадимги тари кам ўрганилган веддо – австралоидлар яшаган бу ҳудудга кейинчалик кириб келган мўғил ирқи вакиллари уларни суриб чиқаради.

Вьетларни аждодлари бу ерларга шимол томондан милоддан аввалги I минг йилликларда кира бошлаган. Милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида хитойликлар билан кураш давомида вьетларнинг этник ўзлиги шаклланади. Олимлар хитойликлар вьетлардан апельсин, мандарин ва бошқа экинларни, шунингдек айрим ҳунармандчилик турларини ўзлаштирганлар.

X асрда вьетларда марказлашган давлат вужудга келган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан у Франциянинг мустамлакасига айланади. Вьетнам мустақилликка 1945 йили эришади.

Камбоджа – мустақиллиги 1953 йилдан.

Кхемерлар халқ сифатида милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида шаклланган. Илк давлат милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида вужудга келган.

Аҳолиси ва мамлакатлар.

Мьянма (Бирма) 45 млн киши, Таиланд қироллиги 60 млн киши. Лаос халқ демократик республикаси – 5 млн, Малайзия Федерацияси – 20 млн, Бруней султонлиги 0,3 млн, Вьетнам социалистик республикаси 72 млн, Индонизия республикаси 198,4 млн, Камбоджа қироллиги – 10,6 млн, Сингапур – 3 млн, Шарқий Тимор – 0,8 млн, Филиппин Республикаси – 68,4 млн

Жанубий – Шарқий Осиёдаги этник жамиятларнинг сони ҳам кўп бўлиб энг майда этник гуруҳ – қабиладан – ўнлаб миллионлардан иборат миллатлар ҳам мавжуд. Жанубий-Шарқий Осиё аҳолисининг катта қисми син-тибет тил оиласига мансуб (хитой, тибет, бирма). Ундан ташқари тай, австроосиё ва австронезия тил оилалари мавжуд. Мьянмада 25 дан 50 тагача этнос бўлса, улардан 2/3 қисми бирма тилларида сўзлашади. Таиландда тай тилларига тайлардан ташқари кхонтайлар, лао, лан, шанлар киради. Лаосда ҳам 30 яқин этнослар бўлиб, Лаотхай – тай тил оиласига кириб, лао тилларида аҳолининг 60 % гаплашади.
Въетнамда умумий аҳолининг 60 % и въет тилида сўзлашиб бу тил австроосиё тил оиласининг мустақил гуруҳи ҳисобланади. Мамлакатда кўп сонли бўлмаган мон-кхемер тилларига мансуб аҳоли гуруҳлари ҳам талайгина.
Комбоджа – кўпчилик аҳоли кхемерлар. Улардан ташқари кўп сонли бўлмаган въетлар, малайлар, тем, лао ва бошқа этник гуруҳлар мавжуд.
Сингапурда 3 млн аҳолидан 2,5 млни хитойликлар, малайлар 400 минг. Малайзияда 20 млн аҳолидан 11 млни малайзияликлар 5 млнни хитойликлар.
Индонезия малай тил гуруҳига индонесия, малай – полинезия тилларида сўзлашадиган аҳолидан иборат. Мамлакатда 100 дан 350 тагача этнослар мавжуд. Улардан 15 таси йирик 1 млндан ортиқ аҳолига эга сундлар 30,5 млн, мадураликлар – 12 млн. Индонезияга қарашли Янги Гвинея оролининг шарқий қисми Ириан-Жайда 2,0 млн папуас, 1,0 млн меланезия тилларида сўзлашувчи аҳоли яшайди. Индонезияда 8 млн хитойликлар бўлиб улар асосан шаҳарларда яшаб, савдо ишлари билан шуғилланишади.
Филиппин - аҳолининг кўпчилик қисми австронезия тилларида сўзлашади. Висайялар – 30,8 млн, тагаллар – 15,0 млн, тоғлик халқлар – 3,0 млн киши. Уруғчилик даражасидаги қабилалар ифугао – 160 м, аэталар – 40 минг кишидан иборат.
Хўжалик. Жанубий-Шарқий Осиёда энг оддий хўжалик турларидан энг юксак ишлаб чиқариш хўжалиги даражасидаги аҳоли гуруҳлари мавжуд. Бугунги кунга қадар дайдичиликда теримчилик ва овчилик билан шуғилланиб келадиган уруғ-қабилалар мавжуд. Мотига деҳқончилиги аҳолиси нисбатан ривожланган. Ўрмонлардаги дарахтлар ёндирилиб, сунъий суғориш қўлланмасдан ёки суғориладиган майдонларда деҳқончилик қилинади. Мадура ороли аҳолиси чорвачилик билан ҳам шуғилланади. Денгиз ва кўллар

бўйларида яшовчи балиқчилар қўшимча хўжалик тури балиқчилик билан ҳам машғул бўлганлар. Жанубий-Шарқий Осиёнинг кўпчилик аҳолиси плуг деҳқончилиги билан шуғилланиб, асосий қишлоқ хўжалик экини шолини терасса майдонларида етиштирганлар. Ҳозирда аҳолининг бир қисми тобора юксалиб бораётган саноатда ишласа, айримлари анъанавий хўжалик турлари : смола, каучук, дарахтнинг қимматбаҳо новдаларини тайёрлашда машғулдир. Семанглар, сенонлар, суматра оролида, кубу, саканларнинг бир қисми, Явадаги тенгерлар, Калимантан оролидаги пунанлар, бунитлар, сулавеси оролидаги таололар, Филиппиндаги аэталар ва ҳ.к.олар яқин-яқинларгача дайди термачилик, овчилик билан шуғилланганлар. Тропик ўрмонларда истеъмол қиладиган ўсимлик, майда ва ўрта ҳажмдаги ёввойи ҳайвонлар кам бўлганидан, одамлар кўпчилик мавсумларда қаттиқ очарчиликда яшаганлар. Оқибатда одамлар ёмиш истаб кўчиб юрганлар.

Ушбу халқларнинг хўжалик фаолиятлари овдан ташқари теримчилик ва маълум уй – машғулотлари бўлган. бўлган. Улар дарахт, тош, суяк, чиғаноқлардан қуроллар айрим идишларни тайёрлаганлар. Металл уларга таниш бўлмаган. Мол айрибошлаш “гапсиз” тарзда маълум жойларда қолдирилиб амалга оширилган.

Илгари ов ва теримчилик билан шуғилланган қабилалар сўнгги пайтларда мотига деҳқончилигига ўта бошладилар. Бу борада далалар дарахтлар ёндирилиб, кундаков қилиниб экин экилган. Ёғингарчилик мавсуми тугагандан сўнг эркаклар дарахтлар, буталарни кесиб далага мўлжалланган майдонни тозалаганлар. Тайёр тупроққа уруғ учи йўнилган таёқ ва мотигалар ёрдамида экилган. Экинлардан шоли, макка, ер илдизлилар етиштирилган. Далада аксари аёллар ишлайди. Экинларни парваришлаш маҳорати етишмаслиги туфайли ҳосилдорлик унчалик юқори эмас. Аҳоли қўшимча балиқчилик ва овчилик билан шуғилланишга мажбур. Илон ушлаш, смола, каучук ва ҳ.козоларни тайёрлашади.

Ер ҳар 2-3 йилда алмаштирилади. Сабаби ўгитланмагани учун экинзорлар тез ҳосилсизланади. Кўпгина ҳалқлар: тоғли монлар, кхемерлар, тоғли тайлар, Индонезия нагиларининг маълум қисми, Ҳиндихитойдаги малайлар, батаклар, папуаслар ва меланезияликлар (Ириан Жаядаги) майдонларини сувга бостириш орқали шоличилик билан шуғилланадилар. Кўпгина жойларда икки марта ҳосил олинади. Асосий экин шоли. Ерни ағдарадиган ёки ёриб юмшатадиган омочлардан фойдаланишади. Қўтослар тортиш

кучидан фойдаланади. Шолидан ташқари – дуккаклилар, маккажўхори экадилар. Техник экинлар. Кофе дарахти, кокос пальмаси ва ҳ.к.о лар етиштирилади. Деҳқон аҳолида чорвани асосан сути ва тортиш кучидан фойдаланиш учун боқишади. Ҳиндихитойда – чўчқа боқилади. Паррандачилик билан деярлик барча жойларда шуғилланадилар. Въетнамда – шоли, макка, каучук, чой, пахта, ер илдизи экинлар. Лаосда – ёпишқоқ гуруч, сабзавотлар, мевалар, чорвачилик ва балиқчилик ва балиқчилик билан шуғилланадилар. Мьянма (Бирма) да шоли, макка дуккаклилар, чой, кофе, шакарқамиш, Таиландда эса – шоли макка, дуккакли экинлар, савзавотлар, гуллар, Камбоджода – шоли, макка, дуккаклилар, сабзавотлар, Филиппинда шакарқамиш, Индонезияда – кофе етиштириш билан машғуллар.
Таомлари – гуруч, балиқ, сабзавот ва мевалар. Уларни тайёрлашда ўсимлик ёғи, гўшт кам истеъмол қилиниб, байрамларда – парранда, ислом динига кирмайдиган аҳолида чўчқа гўштидан фойдаланишади.
Моддий маданият. Меҳнат қуроллари турли туман. Жанубий – Шарқий Осиёнинг тараққий этган халқларида улар замонавий кўринишда. Айни пайтда мотига ва учи йўнилган таёқлар сақланиб қолган. Ов ва жанг қуроллари сотиб олинсада, ўқ-ёй, пуфлаб отувчи милтиқ, қиличлар, ханжарлар, найзалар ва таёқлар (кубу, лубу, боали, аэта ва ҳ.к.о.ларда) учрайди.
Қўрғонлари ва уй-жойлари. Турли-туман бўлиши билан биргаликда кўплаб умумийликка ҳам эгадир. Деҳвонлар дарё, кўл ёки денгиз соҳилларида яшайдилар. Аксари қишлоқлари кўчалар бўйлаб қатор жойлашган уйлардан иборат. Тоғ қишлоқлари тархида тўп – тўп ҳолда қурилган уйлардан иборат бўлиб, улар унчалик катта эмас. Дарё, кўл, денгиз соҳилида яшайдиган аҳоли умрининг катта қисмини сувда ўтказади. Улар ҳатто соҳилга боғлаб қўйилган қайиқларда яшашади. Жанубий-Шарқий Осиёликларнинг аксари кўпчилиги уйлари устунлар устига қурилган. Бу ҳилдаги анъана денгизлардаги анъана денгизлардаги сувнинг соҳилга келиб – қайтиб туриши билан боғлиқдир. Уйларни поли, девори бамбукдан ясалади. Томи икки томонлама, эгарсимон этиб ёпилади. Баъзида уларнинг томи конусимон қурилган ва пальма япроқлари билан ёпилган. Въетнамда одатда уйлар ер устида бунёд этилиб ашё сифатида ғишт, лой хизмат қилади. Девори синчсимон паркетлардан бўлиб орасига тупроқ солинади. Енгил деворга ўхшаш, тўсинлар бинони 2.3 хонага

ажратиб туради. Уй – жойлар маҳаллий ашёлардан, ёғоч ва бамбуклардан устунлар устида узун қилиб қурилади.
Индонезиядаги яваликлар енгил 2-3 хонали уйларини ердаги пойдевор устида бунёд этишади. Минанг кабауларда анъанавий уйлар устунлар устида узун қилиб қурилган. Янги оила учун уйнинг ён томонидан қўшимча хоналар қуришган. Эркаклар уйлари сақланиб қолган. Илгарилари қишлоқ марказида жамоа уйлари бўлган.
Жанубий – Шарқий Осиёликлар уйларининг ички жиҳози жудда содда. Поллари бўйра билан қопланган. Оила аъзолари унда ўтириб овқатланишади, шу жойда ухлайдилар. Баъзида деворларда турли идишлар қуроллар осиб қўйилади. Дайди овчилар енгил бамбукдан, турли ўт-ўланлардан бунёд этилган шамол паналарда, дарахтлар устида ўрнатилган айвонларда яшаганлар.
Кийимлари.
Жанубий-Шарқий Осиёликлар кийимлари кўринишидан, безакларига қараб ранг-баранг бўлсада, ўзининг асосий жиҳатлари бўйича кўплаб умумийликка эга. Анъанавий кийим – тикилмаган. Хусусан Въетнамда анъанавий кийим – белбоғча бўлган. Ҳозирда кенг иштон устидан калта кўйлаклар ёки яхтаклар кийилади. Бошларида учли самондан қалпоқ, ҳам эркак ҳам аёллар оёқларида сандал бўлади. Ёқтирган ранглари оқ ва қора. Кейинги йилларда анъанавий кийимлар, аксари эркакларда таомилдан тез чиқмоқда.
Лаос – эркаклар кенг иштон, куртка ва сандал кийишади. Аёллар ўрама кийим кийишиб, белларини шарф билан боғлашади. Бошқаларига сомондан тўқилган ёки бамбукдан ясалган қалпоқ кийишган.
Таиланд – эркаклар кийимлари газламадан оёқлари атрофига ўраб, газламани бир учини оёқлари орасидан ўтказиб, ўзига хос шутон ҳосил қилишади. Аъанавий аёллар кийимлари ҳам газламани таналари атрофида юбкасимон кийим ясашади. Елкаларига ёпинчиқ ёки кофта кийилади. Теридан тикилган сандалларда юришади.
Бирма (Мьянма) – анъанавий кийимлари яхши сақланган. Мьянмаликлар ҳам ўрама кийимлар кийишади. Устидан олди очиқ кўйлак ёки калта куртка кийишган. Бошларида қалпоқ, оёқларида, сандал. Аёллари кийимлари ҳам шунга ўхшаш фақат улар кенгроқ.
Камбоджа - Газлама бўлаги сонлари теварагида айлантирилиб оёқлари орасидан ўтказилади. Нисбатан тор курткалар кийилади. Аёллар куртка ўрнига кофталар кийишади. Ҳозирги кунда саронг – малай ва индонезия

аҳолиси кийими асоси сифатида кенг тарқалган. Узун газлама бўлаги тана теварагида айлантирилиб оёқлари орасидан ўтказилади. Бу яваликларда ўт кийими ҳисобланади. Овчи ва теримчилар кийимлари: белбоғча аёлларида ўсимлик толаларидан ёки газламадан калта юбкалардан иборат. (луб, дарахт пўстлоғи).

Оила ва оилавий муносабатлари

Овчилар ва теримчилик жамоаларида матрилокаль оила ва кўплаб архаик оилавий-никоҳ удумлари сақланиб қолган. Ҳудуддаги тараққий этган этносларда ҳам яқин-яқингача патриархал – оилалар бўлган улар эндиликда моногам оилаларга парчалана бормоқда. Оилавий – маиший муносабатларга дин кучли таъсир этмоқда. Ҳиндихитойда буддизм, Индонезия ва Малаккада ислом кенг тарқалган. Филиппинда христианликка 85 % аҳоли эътиқод қилади.

Маънавий маданият.

Жанубий-Шарқий Осиёликларнинг маънавий маданиятлари бой ва ранг – баранг. Ўрта асрлардаёқ бу ерда илм-фан, санъат, адабиёт юксала бошлаган. Въетнамда турли эпик достонлар, мусиқавий – драматик асарлар кенг тарқалган. Қўшиқчилик ва рақс санъати ўзига хос. Таиланд фольклор, имо – ишора қўғирчоқ, ниқоб теотларига бой. Бирма (Мьянма) ўзининг балети, сол театри билан танилган. Индонезия халқ, соя, ваянг-курво, марионеткалар театрлари актёрларининг ранг-баранг кийимлари билан машҳур.

Шарқий ва Марказий Осиё этнологияси

Ҳудудда Хитой 1.368 млн, Япония 125,2 млн (1995 й) КХДР – 25,3 млн, Жанубий Корея – 44,9 млн, Мўғилистон 2,2 млн, Гонконг – 6,0 млн киши яшайди.

Шарқий Осиёнинг этногенези ва этник тарихини умумий даражада кўриб чиқиш мумкин. Ҳудудда аҳоли жуда қадимдан мавжуд. Чжоукоудинь ғоридан синантроп қолдиқлари чиққан. Неолит манзилгоҳларидан бири бундан 5 минг йил аввал шаклланиб Хитойнинг шарқидаги денгиз соҳилига яқин бўлган. Бу маданият Цинлянган деб номланади. Ушбу маданият асосчилари шоли экиб, устунлар устида қурилган уйларда яшаганлар. Суяк қолдиқлари тадқиқ этилганда уларда иницация удуми бўлгани аниқланган.

Цинлянган маданияти билан бир пайтда Хуанхэ дарёсининг ирмоғи Вайхэ воҳасида яна бир неомитин маданият яншоо шаклланади. Уларнинг хўжалиги чумиза (сулининг тури)га асосланган. Яншооликлар дарё этакларида ярим ертўлаларда, синчли-устунли лойиҳали уйларда яшаганлар. Улардаги ҳунармандчиликнинг етакчи соҳаларидан бири

сопол идишлар тайёрлаш бўлиб, буюмлар ёрқин ранг ва нақшлар билан безатилган. Олимларнинг фаразича, аҳоли олдсинотибет типларида сўзлашган.

Бу халқни мил. авв. IV минг йиллик ўрталарида бўлинишидан:

1. Ғарбий шох тибет-бирма халқларига
2. Шарқийси эса син тилларидаги этносларга асос бўлади.

Мил.авв. III минг йилликда яншооликлар жанубдан келган қабилалар билан тўқнашадилар. Ушбу этносларнинг ўзаро муносабатлари туфайли олдхитой тили шаклланади. Бу тил лексикаси бўйича тибет-бирма тили билан яқин бўлсада морфологияси жиҳатидан ундан анча фарқ қилади. Олдхитой қабилалари Ся ва Шан (Инь) мил.авв. II минг йилликда йирик қабилалар иттифоқини ташкил этишади. Унинг асосида Хитойда мулкий табақаланиш ва илк давлатлар вужудга келади. Инь қўшни чегарадаги қабилалар билан жангларда асир олинганларни ўз аждодлари руҳларига буюк шаҳарлари Шанга (ҳозирги Анъян) келтириб, қурбонлик қилишган. Шан-Инь давлати доирасида мил.авв. II минг йиллик охирига қадар турлиирқий типдаги аҳоининг аралашуви давом этади. Бу жараёнларда:

1. Жанубий мўғул типидаги йирик, лекин паст чағаноқ суякли, кенг текис юзли континентал мўғул ирқи вакиллари.
2. Жанубий мўғул типи, ингичка чиғаноқ суякли ва баланд каллалаи ва кенг бурунли аҳоли.
3. Ҳозирги хитойликларга ўхшаш Шарқий Осиё мўғул ирқига мансуб аҳоли Цин жамияти асосида кейинчалик тибет-бирма ва хитой-тибет тилларида сўзлашадиган халқлар шаклланади.

Мил.авв II минг йилликда Хитойнинг шимолий-шарқий томони, қисман Корея ярим оролининг бир қисмида тунгу-манжур халқлари аждодлари (протоайнлар япон айнлари аждодлари) яшай бошлайди.

Мил.авв I минг йиллик бошларида Ўрта Хитой патстекислигида “хуася” деб номланган қадимги этнос шаклланган. Бу жараён қадимги подшоликларнинг бирлашишига туртки берди. Мил.авв. III асрларда Цинь сўнг Хань марказлашган империялари вужудга келади.

Деярли шу даврларда Мўғул чўлларида ҳам олтой ҳам олтой тилли кўчманчи-сюнну элати шаклланади. Хань империяси билан тўқнашувда милодий аср бошларида Сюнну икки қисмга бўлинади. Бир қисми хитойликлар таркибига

кирса бошқалари-хуннлар Галлияга қадар ерларни босиб ўтиб, ҳозирги Венгрияда жойлашади.

Чўл ҳудудларида сюннулар ўрнига мўғул ирқига мансуб сяньбийлар келишади. Чосон давлати бўлган Кореяда кейинчалик Когурё (шимолмда) ва Пэкче (жанубда) вужудга келади. Японияда Ямато давлати шаклланади. Шарқий Осиё халқлари маданиятининг шаклланишига кўчманчи халқлар катта таъсир этади.

Милодий III-VI асрлар “Шарқий Осиё халқлари кўчишлари” давридир. VII-XII асрларда келганда ҳудуддаги асосий халқлар шаклланиб бўлади.

Этнолингвистик классификация

Ҳудуда 5 та йирик тил оилаларида сўзлашувчи кўплаб этнослар истиқомат қилади. Хитой, сион-тибет, австронезия, тай, австроосиё. Айрим тиллар (япон, корейс, айн) ҳеч қайси тил оиласига кирмайди. Олимларнинг фаразича улар олтой тиллари билан узоқ қардошлик илдизларига эга. Олтой тили Шарқий ва Марказий Осиёда: турк, мўғул (дунсян, ту, хитой монголлари) тунгус-манжур, сунгар, хэжэ,эвенк, орочинлар билан, син-тибет, хитой-тибет-бирма тиллари (тибетликлар, музу, бий ва ҳ.к.о.лар) билан намоён бўлади.

Австроосиё тиллари яо-мяо ва монкхмер (кава, бэнлун, булан), тай тиллари Тайвань оролидаги (Гашаньлар) билан ифодалашган.

Ирқий таркиб. Асосий кўпчилик аҳоли мўғул ирқига мансуб. Мўғул ирқи 2 га: Тинч океани ва қитъа типларига бўлинади. Бу ҳол сўнгги палеолитдан кузатилади.

Хўжалик-маданий типлар. Хўжалик-маданий типларнинг географик муҳит билан боғлиқлиги кузатилади. Шунинг учун Шарқий Осиёда иссиқ (субтропик ва тропик), мўътадил, арид зонали ёкивертикаль хусусиятли деҳқончилик-чорвачилик хўжалик-маданий типлар кузатилади.

Хўжалик-маданий типлар нисбатан тур билан алмашинувини узоқ минг йилларда кузатиш мумкин.

1. Энг қадимги овчи, балиқчи ва теримчилар хўжалик-маданий типлари, ўрмон теримчилари, ХХР монкхер овчилари. Шимолий-шарқий ҳудудларда айн ва бошқаларнинг овчи, теримчи, балиқчи хўжалик-маданий типлари, тайга тунгу-манжур овчилари хўжалик-маданий типлари.
2. Неолит даврининг қўл деҳқончилиги хўжалик-маданий типлари. Чумиза, сули. Меҳнат қуроллари тош ва сопол пичоқлар-лэйдан ҳосилни ўришда фойдаланишган.

Чўчқа ва итларни боқилиши деҳқончилик билан боғлиқдир. Хитойнинг шимолида қўл деҳқончилиги омомч билан мил.авв. I минг йиллик ўрталарида алмашади. Жанубда қўл деҳқончилиги яқин-яқинларгача сақланган эди. Гаошань, ли, мяо, ляолар ер илдизлиширин картошка етиштирадилар. Шоликорлик қадимдан.

марказий ва Шарқий Осиёда яшаётган аҳоли 6 та йирик тил оиласига киради. Олтой тил оиласида уйғурлар (7 млн.га яқин), қозоқ ва қирғизлар гаплашади. Бу халқлар тиллари туркий тил оиласига киради. Мўғул тили олтой тил оиласининг мўғул гуруҳига кириб, Хитойда мўғуллар (4 млн кишидан кўп), Мўғулистон Халқ Республикасида (2,2 млн киши) ва ойрат ушбу тилда сўзлашади. Ушбу тил оиласининг тунгус-манжур гуруҳига манжурлар (10 млн) ҳозирда асосий қисми хитой тилида гапирадиган ва Амур бўйидаги кўп сонли бўлмаган аҳоли киради.

Кўпчилик тадқиқотчилар корейс ва япон тилларини олтой тил оиласига мансуб деб ҳисоблашади.

Син-тибет (ёки хитой-тибет) тил оиласи икки гуруҳга бўлинади. Хитой гуруҳига хитойликлар (1 млярд 200 млн) ва дунган (8 млн кишидан кўп) лар киради. Тибет-бирма гуруҳида-тибетликлар (5 млн атрофида) ва Ицзу (6 млн киши)лар мавжуд.

Тай оиласига чжуанлар (15 млндан ортиқ) киради. Бу Хитойда хитойликлардан кейинги энг катта халқдир.

Австроосиё тилларига ҳам бир неча тиллар хусусан, мео (6 млн) ва яо (2 млн) ва ҳ.к.о.лар мансуб.

Марказий Осиёнинг Олтой тил оиласига мансуб халқлари

Мўғуллар. Мўғул тил гуруҳида учта ўзаро яқин халқлар халха-мўғуллар ва айротлар ва хитой мўғуллари киради. Мўғулистон ва Хитой мўғуллари тиллари ва маданияти бўйича бир-бирларига яқин.

Ёзма махлумотларга кўра, мўғуллар IX асрдан мавжуд. Бу даврда уларнинг хўжалик машғулотларида муҳим ўзгариш бўлиб, мўғуллар ов ва теримчиликдан кўчманчи чорвачиликкка ўтганлар. Замонавий кўчманчи мўғулларда асосий чорва-қўйчилик, қисман қорамол ва йилқичилик ҳисобланади. Юу ташиш учун икки ўркачли туялардан фойдаланилади. Мўғулистон шароитида мол йил давомида яйловда бўлиб, ҳайвонлар қор тагидан ҳам ўзига озиқ топишга мослашган. Мўғул кўчманчилар энг аввало қишги

яйловларни қадрлашган, баланд бўлмаган қор қоплами молга қийинчиликсиз ўзига озиқ топиш имконини беради.

Кўчманчилар уйлари-бу тез ўрнатиш ва йиғиш мумикн бўлган, янги жойга кўчириш қулай ўтовдир. Ўтовнинг суягини ёғоч катаксимон деворлар ташкил этади. Ўтовнинг синчи энг тепаси гумбазигача йиғма ёғоч ўқлар, керага, кунгуралардан иборат. Девор кигиз билан қопланади. Ўтов марказида 2 та устун ўрнатилиб,уларга синч боғланади. Ўтовнинг пастига ҳа м кигиз тўшалади. Кириш жойи жанубга томон қаратилган. Ўтов кўчишга мос бўлсада, қаҳратон қишда унда иссиқ кийимсиз яшаш мушкул.

Ўтовга киришдан тўрдаги жой-энг азиз меҳмонлар учун бўлган. Чап томон аёлларники, ўнги-эркакларники ҳисобланган. Ўтов марказида ўчоқ ўрнатилиб, унда овқат қилишган. Мебель кам, бир-икки сандиқ, овқатланиш учун хонтахта, идиш учун унчалик катта бўлмаган шкаф. Қозонда таомдан ташқари чой ҳам қайнатилган. Анъанавий идишлар тери ва ёғочдан ясалган. Кўчманчилар сопол идишни билишмагна. Ҳозирги кунда чорвадорлар замонавий идишлардан фойдаланадилар.

Мўғулларнинг кундалик кийимлари кўчманчи ҳаётга мос. Бу узун пахта ёки жун газламадан чопон. бой чорвадорларда байрам чопони ипак газламадан тикилган. Этаги чапдан ўнгга ёпилган. Газламаси бўйича эрккаклар ва аёллар халатлари фарқ қилмайди. Мўғуллар чўнтакни билишмаган. Қишки кийим бичими худди шу хилда бўлган, фақат уни ҳайвон терисидан тикишган. Кенг шимларнинг пасти этикка киритилган. Ҳар бир мўғул гуруҳи бош кийими ўзига хос хусусиятга эга бўлган.

Мўғуллар таомлари чорвадорлар учун хос хусусиятга эга бўлган. Сут маҳсулотлари ва гўшт, кўпроқ қўй гўшти ейилган. Ундан хамирли таомлар тайёрлаш сўнгги пайтда кенг тарқалди. Мўғуллар чойга катта ўрин беришади. Уни қозонда қайнатиб, сут, ёғ ва туз солиб, дастурхонга тортишади.

Мўғуллар оилавий турмушида катталарга ҳурман анъанадир. Ёшлар катталарга доим эътибор ва ҳурмат кўрсатишган.

Мўғуллар иднларида анъанавий шаманлик XVI асрдан етакчи ўрин эгаллаган буддизм билан қоришиб кетган.

Аҳоли ҳаётида байрамлар катта ўрин тутади. Мўғулар учун байрам бу энг аввало қабиладошлари, қариндошлари, дўстлари, қўшнилари билан дийдорлашиш, юрагидан суҳбатлашишдир. тантана жойларида мусиқа, одамларнинг

ранг-баранг кийимлари, байрам дастурхони ташкил этилган. Байрамларнинг чўққиси анъанавий спорт байрамлари, отда пойга, кураш, камондан ўқ отиш мусобақалари ўтказиш ҳисобланади. Пойгада 12-14 ёшли ўсимрлар яйдоқ отда кичиккина юган кўмагида отни бошқариб қатнашадилар. Курашда ҳам ўсимирлар, ёш эркаклар қатнашиб, тиззаси ёки тирсаги ерга теккан курашчи мағлуб ҳисобланган. Спорт мусобақаси ғоиблари доим ҳурмат, эътиборда бўлишган.

ХХ аср давомида Мўғулистонда саноат корхоналари, шаҳарлар вужудга келган.

Уйғурлар. Ҳудуддаги туркий тилли этнослар ичида энг кўп сонлиси. Қачонлардир улкан шарқда Тинч океанидан, ғарбда Каспий денгизигача ҳудудларни эгаллаган Турк хоқонлиги аҳолисининг авлодлари. Хоқонлик аҳолисининг маълум қисми чорвачилик билан шуғулланган. Улардан бир қисми Синьцзянь (Хитойнинг шимолий-ғарби)да жойлашиб маҳаллий эрон тилли аҳоли билан аралашган. Уларнинг авлодлари-уйғурлар номини олади.

Уйғаурлар қадимги маданий анъаналарга эга. Улар ўз ёзувини яратишган. уйғур ёзуви асосида милодий аср бошларида маньжур ва мўғул ёзувлари битилган. Ҳозирги кунда Синьзцянь Автоном райони аҳолисининг кўпчилиги деҳқончилик билан шуғулланади.

Маньжурлар. Олтой тил оиласининг тунгус-манжур тил гуруҳида сўзлашувчи аҳоли Хитойнинг шимолий-шарқида яшайди. Уларга манжурлар, камсонли сибо ва бошқалар киради. Уларнинг аждодлари Амур дарёси хавзасида яшаб ўтроқ балиқчилик билапн шуғулланишган. Ушбу хўжалик кўп ҳолларда ҳозирга қадар сақланган.

Маньжурлар (10 млн атрофида) Хитой тарихида муҳим ўрин тутади. Улар XVII асрда Хитой қўшинини енгиб, маньжурлар сулоласига асос соладилар. Истилочилар хитойликлар билан аралашиб, ҳозирги кунда маньжурлар маданияти Хитойникидан деярлик фарқ қилмайди.

Хитой-тибет тил оиласи халқлари

Хитойликлар (Хань). Хитой улкан тарихий-этнографик ҳудуд. Хитой-тибет тилларида сўзлашувчи халқлар-Хитой Халқ Республикасида яшайдилар. мамлакатда 56 та халқлар бўлиб, улардан ханлар 93,5%ни ташкил этади. Хитойдаги барча вилоятлар, барча автоном районларда ханлар кўпчиликни ташкил этади. Маданиятлари бўйича ханларга дунганлар яқин, уларни фақат дин, дунганларни мусулмон эканлиги ажратиб туради. Этнологлар ханларнинг бир неча тарихий-этнографик (ёки этнографик) ҳудудларини

белгилашиб, уларда тил ва маданиятда айрим ўзига хосликлар мавжуд. Бу ханларни ХХРнинг турли ҳудудларида жойлашиши тарихи билан боғлиқдир. Мана икки минг йилдирки Хитой ер юзининг энг аҳоиси кўп мамлакати бўлиб қолмоқда. Милодий аср бошларидаёқ Хитой аҳолиси 90 млнга яқин эди. Бизнинг кунларимизда биргина Хитой аҳолиси 90 млнга яқин. Бизнинг кунларимизда биргина Хитой ханларининг ўзи 1 млярд кишидан кўп. Аҳоли сонининг тез ўсиши мамлакатда қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Ҳудудларда аҳолининг жойлашуви ҳам нотекис, ер майдонининг 1/10 да аҳолининг 80% яшайди. Буюк Хитой текислигида баъзи жойларда 1 км.кв.га 700 киши тўғри келади. Айни пайтда шаҳарларда аҳолининг атиги 1/5 қисми яшашини ҳам таъкидламоқ жоиз. Умуман олганда мамлакат ҳудудининг 1/10 деҳқончиликда, 1/8 ўрмон ва 1/3 яйлов эканлиги ҳам ўзига хос. Экин майдонларининг энг кўпи ҳам Хитой текислигига тўғри келади. Умуман ишлов бериладиган ерларнинг 9/10 қисми шарқда жойлашган.

хитой деҳқончилигининг асосий хусусияти-экинларнинг серҳосил навларини яратиш борасида селекция ишлари ва ерга эътибор билан ишлов беришдир. Деҳқон хитойлик ердан максимал кўп ҳосил кўп ҳосил олишга интилади.

Хитой деҳқончилигида қадимдан қўл меҳнати катта ўрин тутган, экинзорларга мотига ва бошқа қўл меҳнат қуроллари билан ишлов берилган. Айни пайтда Хитой аҳолисининг асосий машғулоти омоч деҳқончилиги ҳисобланган. Суғорма ва лалмига экин экишган. Суғорма деҳқончилик каттамеҳнат эвазига юксалган. Каналлар ва бошқа суғориш иншоотлари қадим замонлардан бошлаб қурилган.

Шоли асосий қишлоқ хўжалик экини. Хитой деҳқонлари унинг турли навларини яратганлар. Ундан 2 баъзи иқлими мос ҳудудларда 3 марта ҳосил олишади. Шолини майдонини тайёрлаш, кўчатни экиш катта меҳнатни талаб қилади. Айни пайтда экин юқори ҳосил бериши бу меҳнатларни албатта оқлайди.

иккинчи муҳим экин-буғдой. Хитойда кузги буғдой экиш кенг ёйилган. Аҳолининг озиқ маҳсулотлари билан таъминлашда сабзавотчилик ва мевачиликнинг ўрни ҳам муҳим.

Чорвачилик. Ханлар қишлоқ хўжалигида иккинчи даражалидир. Йирик шохли молни тортиш кучидан фойдаланиш учун боқишади. Ханлар асосий сут-гўшт маҳсулотлари, ишчи ҳайвонларни мамлакат шимолидан мўғул, уйғар, қозоқ ва бошқа кўчманчи аҳоли яшайдиган

ҳудудлардан олишади. Ханларда чўчқачилик кўпроқ ривожланган. Улар тўнғизнинг сермаҳсул зотларини яратиб, бу борадаги ютуқларидан европаликлар ҳам фойдаланмоқда.

Ханлар таомномасида денгиз инъомларининг ўрни ҳам муҳимдир. Хитойда қадимдан балиқчиликнинг ҳам денгиз, ҳам дарё турлари кенг ёйилган. Балиқдан ташқари таомга моллюскалар, денгиз типратикани, треканг ва ҳ.к.о.лар ишлатилган. Балиқчиликнинг тараққиёти бўйича Хитой дунёда учинчи ўринда туради. Яқин ўтмишда ички сув ҳавзалари (дарёлар, суғориш каналлари) ҳам балиқ овида сезиларли ҳисса берар эди.

Лекин сўнгги пайтда сув хавзаларининг ифлосланиши натижасида ов унумдорлиги пасайди.

Хитой деҳқонлари европалик олимлардан анча олдин ердаги ўрмонларни йўқотишнинг хавфини англаб етганлар. Улар томонидан дарахтнинг зарур махсус навларини, хусусан, Массион соснаси ва кенг миқёсда экиладиган игна баргли кунигамиялар шулар жумласидандир. Бу дарахт тез ўсиб, 25-30 йилда балоғатга етади. Дарахт ёғочи жуда мустаҳкам бўлиб чиримайди. Ундан кемалар қурилиши, темир йўллар учун шпаллар, уй-жойлар бунёд этишда фойдаланилмоқда. Шунга қарамасдан мамлакатда ўрмонларнинг камайишини тўхтатиш мушкул.

Хитой ҳунармандчилиги. Кўп асрлик тарихга эга хитой ҳунармандчилиги ушбу қадимги цивилизацияни ўзида акс эттирган. Хитойликларнинг сополчилик сирларини мис, жез ва темир эритишни мустақил кашф қилган. Хитой ҳунармандлари бутун дунёга тарқалган қоғоз, ипак, чинни, компас, порохни ихтиро қилишган.

Қоғоз ҳақидаги дастлабки маълумотлар мил.авв. Iiасрга оид бўлиб, Хитойда уни Чай Лунь бамбук танаси, тут дарахти пўстлоғидан кашф этган дейишади. Ипак ҳақидаги дастлабки маълумот мил.авв. III минг йилликда оид. Чинни ясаш ҳақидаги аниқ маълумотлар VI-VII асрларга мансуб. У ҳам ипак сингари хитой экспортида катта ўрин тутган. Ҳозирда юксак қадрланадиган хитой қизил сирли форфорлари X-XIII асрларда ясалган. XVII асрдан чиннини ярим хром кўп рангли бўёқлар билан бўяй бошлаганлар.

Хитойликлар кашф этган буюмларни лак билан қоплаш ҳам дунё бўйлаб кенг тарқалган. Лойнинг бир неча қатлами қоплаган буюмлар, минерал бўёқлар ва метин кукни билан ҳам ишланиб, улардан энг қадимгиси мил.авв. III асрдан буён сақланиб келмоқда. Дарахтнинг заҳарли елимидан ажратиб

олинадиган лак сув ўтказмаслигидан ташқари буюмларни мустаҳкамлигини, чиройини таъминлайди.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг юксак даражаси қурилиш соҳасида ҳам аксини топган. Ханлар турар жойлари ажойиб хилма-хиллик ва айни пайтда эластик рационаллик намунасидир. Уйларнинг режаси ва ашёси табиий шаолитлардан келиб чиқиб шаклланган. Хусусан, Синьцзян-Уйғур автоном райони жойлашган. Шимолий ғарбда уйларни синчларсиз, хом ғиштдан тикланганлар. ХХрнинг марказий ва шарқий ҳудудларидаги ханлар уйларини махсус сунъий тупроғи мустаҳкам этиб, босилган супасимон асос устида қурганлар. Уйнинг ўзагини ёғоч синч ташкил этган. Ёғочдан тўсинлар ораисга хом ғишт уриб чиқилган. Кириш эшигини одатда жанубдан қўйиб, уйнинг томини черепица билан ёпишган. Хитой уйларидаги миллий хусусият-кан. У уй ичининг камида 1/3ни эгаллаган 60 смли супа, ичидан ўтказилган зигзаг шаклидаги бўшлиқдан ўтган тутун ва иссиқлик супани совуқда ҳам қулай ухлаш, уй машғулотларни бажариш, овқатланиш, меҳмонларни қабул қилиш жойига айлантиради.

Қурилиш, меъморчиликнинг юксак санъат даражасига етганини саройлар, ибодатхоналарда кўрамиз. Уларнинг айримлари ақл бовар қилмайдиган даражада улуғвор. Хусусан, Хуанхэ дарёсининг ўрта қисмидаги қояда ўйиб ясалган Луньмэн ибодатхонасида 100 мингга яқин баральеф ва ҳайкаллар мавжуд. Хитой меъморлари маҳорати ёркин мисоли “темир” ибодатхона 967 йили қурилган бўлиб, унинг баландлиги 56 м. Ўз номини иншоот устига қопланган тошларнинг “темир” рангидан олган.

Дунё мўжизаларидан бири ҳисобланган Буюк Хитой девори узунлиги 4 минг км. Мил.авв. IV-III асрлардан қурила бошланиб, милодий III асрларда якунига етказилган.

Хитойликлар ўз қўшинларини яхши билганлар. География хариталарга оид маълумотларда мил.авв.VII асрдан мавжуд. XI асрга оид Хитой ва қўшни худудлар хариталари бизнинг кунимизгача сақланган. Хитой мамлакатлари псонини айлана атрофини диаметрига муносабатини ҳисоблаб топганлар. Хитой табобати машҳур. Табиблар турли юқумли касалликларга қарши кураш усулларини билишган.

Иероглифик хат мил.авв. II минг йилликлардан буён мавжуд. Ёзув турли шевалар кўп бўлган мамлакатда абадий тилни шаклланишига бебаҳо хизмат қиладиган воситадир. Бугунги кундаги расмий давлат тили путунхуа, асоси пекин

шевасидир. Путунхуа ёзуви анъанавий иероглифларга нисбатан анча соддалаштирилган.

Хитойдаги диний вахзият ҳам ўзига хос. Мил.авв. VI асрдаёқ Хитойда икки фалсафий тизим шаклланиб, улар аста-секин диний таълимотга айланади. Деярли бир пайтда пайдо бўлган конфуцианлик ва даосизм икки ярим минг йилдан буён тинч ривожланиб келмоқда. Улардан биринчиси Конфуций (Кун Фузцы мил.авв. 549 йй) яратган. Унинг таълимоти давлатни ташкил этиш ва бошқаришдаги ахлоқий-этик тартибларни ифодалайди. Конфуций таълимоти унинг шогирдлари томонидан “Лурь юй” асарида таърифланган. Конфуцийлик асоси: ҳукмдор ҳокимияти муқаддас. Инсонларни юқори ва қуйи тоифаларга бўлиниши у умумий адолат қонуни деб атайди. Жамиятда ҳар бир киши ўз лавозимидан келиб чиқиб ҳпаракат қилиши лозимлиги уқтирилади. Конфуций бўйича бошқарув бу ҳар бир инсонни “ўз жойига”қўйиш, ёки инсон ўзи шуғулланаётган фаолият тури, “юқоридан” белгилангани билан шуғулланиши лозим. Жамоатчилик ишида силжиш аҳлоқий такомиллашув ва илмга эришиш орқали бўлмоғи зарурлиги таъкидланади.

Иккинчи таълимот даосизм. Унинг асосчиси Лао Цзы (ҳақиқий исми Ли Эр мил.авв. IV-III асрлар) бўлиб, у кўроқ фалсафа ва оила ҳаёти уни ташкил этиш меъёрларига оиддир. Бу ғоя тарафдорлари табиат билан яқинлашувни тарғиб қилганлар. Кейинги давр лаосистлари-алоҳида таом қабул қилиш тартиби, жисмоний машқлар кўмагида узоқ умр кечиришга эришишни мақсад қилганлар.

Лао Цзы хўкизни уйида ўтирган қария сифатида тасвирлаган. У ҳақидаги ривоятга кўра Лао Цзы барча мангулар бошида туради. Бу ғоя “Йўл ва савобли ишлар китоби”да кенг ифодаланган. Даосизм тарафдорлари орасида Лао Цзы Будданинг отаси деган ривоят юради. Бу даосизм ва буддизм догматлари ўхшашлиги туфайли бўлса ажаб эмас.

Милодий аср бошларида Хитойда буддизм ҳам тарқалса, VIII асрдан ислом дини ёйила бошланади. Кейинчалик ўрта асрларда Хитойга христиан миссионерлари ҳам келиб тарғиб ўтказган. Юқорида номлари кўрсатилган барча динлар ХХРда ҳозирга қадар мавжуд.

Ҳозиргача айниқса қишлоқ жойларида аждодлар руҳларига сиғиниш кенг тарқалган. Кейинги 50 йил давомида Хитойда катта ўзгаришлар бўлганига қарамай аҳоли ўз анъаналарига содиқ қолмоқда.

Маросим, фольклор, қўшиқ-рақс санъатларида йиллар ўтиб профессионал театр соҳаларига-актёрлар иштирокидаги

мусиқали драмаларга айланади. Бу хилдаги тпуппалар Хитойда мил.авв. I-II минг йилликлар орасидаёқ шаклланган. Хитой мусиқали драмаси классик тури XIV асрда вужудга келади. Профессионал театр узил-кесил XIX асрда пайдо бўлади. Бугунги кунда у “Пекин операси” номи билан машҳур.

Бадиий адабиёт ҳа узоқ тарихга эга. Унда шеърий соҳа фаолроқ ривожланган. Хитой профессионал поэзияси отаси деб Цюй Юань (мил.авв. III аср) ҳисобланади. Хитой адабиётининг қадимги намуналаридан бири “Саккиз мангу донишмандлар”га бағишлов бўлиб, унинг сўнгги тўлдирилган нусхаси милодий XIII-XIV асрларда узил-кесил шаклланади. Замонавий профессионал маданият юксак тараққиётга эришди.

Тибет-бирма тил оиласи халқлари. Тил оиласига мансуб халқлар ХХРнинг жанубий-ғарбий вилоятларида яшайди. Энг йириклари тибетликлар (4,5 млн), йузу (5млн). Тибетликлар шу номли баланд тоғлар воҳаларида яшашади. Улар асосан чорвачилик ва тоғ воҳалари деҳқончилиги билан шуғулланадилар. Асосий уй ҳайвони яклар. Улар баланд тоғ шаритига мослашган ягона йирик шохли мол бўлиб, аҳолига сут, гўшт, жун, тери беради. Жуни ва териси кийим, гилам, ёзги чайлаларни ёпишда қўл келади. Тибетликлар кўп бўлмаса қорамол ва отларни ҳам боқишади.

1949 йилда ХХР ташкил топганига қадар Тибет ярим мустақил теократик давлат эди. Диний раҳбар Далайламақароргоҳи Лхаса шаҳрида эди. Ҳозирда Тибет ХХР таркибига киради. Далайлама 1959 йили Ҳиндистонга кетиб, Тибетни озод қилиш учун курашга бошчилик қилмоқда.

Ицзулар Хитой ва Мьянма чегараларида яшайди. Аҳоли омоч ва имкони бўлмаган жойларда мотига деҳқончилигини олиб боради. Ицзуларда ҳунармандчилик, айниқса темирчилик яхши ривожланган. Аёллари моҳир каштачилардир.

Тай тил оиласига мансуб халқлар. Ицзудан шарқда Въетнам билан чегарада тай тиллардиа сўзлашадиган аҳоли яшайди. Улар 21 млн атрофида, энг йириги чжуан (15 млн). Чжуанлар моҳир деҳқонлар, ҳунармандлардир. Металлага ишлов беришда, форфор ясашда, шойи газламалар тўқишда ном қозонганлар. Қолган халқлар кўпсонли бўлмасада, ўз \ аётида кўплаб анъанавий хусусиятларни сақлаб қолгани билан этнологларда қизиқиш уйғотади.

Япония ва японлар. Япония тўртта йирик-Хонкайдо, Хонсю, Сикоку ва Кюсю ва яна 40 минг атрофида майда

ҳамда жуда ҳам кичик оролларда жойлашган мамлакат. Бу оролларнинг катта қисмида аҳоли яшамайди.

Археологик маълумотларга қараганда одамлар Япон оролларига анча эрта келиб жойлашган. Яхши ўрганилган ёдгорликлардан бундан 10 минг йил олдин ясалган сопол синиқлари чиққан. Олимлар уларни ҳозирда Хонкайдонинг шимолида яшаган айнлар аждодлари қолдирганлигини фараз қиладилар. Ҳозирда 16 минг атрофида қолган айнлар ўзларининг маданиятларини деярлик йўқотганлар. Айнлар маданиятини тадқиқ этиш уларнинг аждодлари Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг қадимги аҳолиси билан алоқадорлигини тасдиқлади. Мил.авв. II минг йилликда Япон оролларига авсронезия тилларида сўзлашадиган аҳоли келиб жойлашган. Қадимги япон тилига мансуб кишилар оролларга Кореядан мил.авв. V асрда кўчиб ўтгани фараз қилинади.

Замонавий Япония бир миллатли мамлакат аҳолисининг 99% японлар. Уларда этнографик гуруҳлар ҳам мавжуд. Маълум маданиятдаги ўзига хосликлар рюкюликлар ва айнларда мавжуд.

тил борасида вазият ҳам ўзига хос. Мамлакатда 3 та гуруҳ диалект ва яна кўплаб шевалар бор. Диалектлар фонетик жиҳатдан ўзаро фарқ қилади. Ҳар бир япониялик ҳеч бўлмаганда иккита шевани билади. Биринчиси расмий давлат ва адабий тил бўлса, иккинчиси ўзи яшаётган ҳудуднинг шевасида сўзлаша олади.

Япон ёзуви хитой иероглифлари асосида шаклланган. Япон матнларини ўқиш анча мушкул иш. X асрдан яратилган 50 белгили бўғинли ёзув одатда грамматик талабларни изоҳлашда ишлатилади.

Японларнинг анъанавий хшжаликлари омоч деҳқончилиги. Ўрта асрларда ер майдонларининг майдалашиб кетганлиги саббали мотига деҳқончилиги қайтадан вужудга келган эди. Анъанавий қишлоқ хўжалигида қўл меҳнатидан кенг фойдаланилади.

Классик япон жамияти ҳаёти ва фаолиятини таъминлашда балиқчилик муҳим ўрин тутади. Бу ҳудудда ўзига хос хўжалик-маданий тип соҳилбўйи балиқчилари ва теримчилари хўжалиги бўлган. Айни пайтда балиқчилар ҳамиша аҳолининг камбағал гуруҳига кирган. Кореядаги каби Японияда ҳам аёлларда шўнғиб сув остидан моллюскаларни олиб чиқиш касби ҳам бўлган. Бакланлар ёрдамида балиқ овлаш усулидан қадимдан фойдаланиб келинган. Қушнинг бўйнига халқа тақилиб, у билан балиқни фақат томоғигача ютишига имкон беради, холос. Қушни

эгаси балиқни баклан оғзидан суғуриб олиб яна овга ундайди. Ҳозирда бу хилдаги балиқ овлаш туристлар учун кўнгилочар томоша сифатида кўрсатилади.

Моддий маданият. Ўзига хослигини кўпроқ сақлаб қолган соҳа-таомлардир. У икки қисмдан иборат.

1. Сосёку–“асосий таом”–гуруч ёки бошқа бирор донли ёки хамирли таом.
2. Рукусеку–“қўшимча таом”. Унга турли балиқ, сабзавот ёки гўштли қайлалар киради.

Гўштни японлар жуда кам истеъмол қиладилар. Илгари хитойликлар каби сигирни соғмаган ва сут ҳам ичмаган.

анъанавий қишлоқ уйлари-бир қаватли синчли, йиғиладиган, енгил деворлари билан полига сомон бўйра ёки тахта солишган. Бу ашёлар ҳозирга қадар сақланиб келмоқда.

Японларнинг уй кийимларида ҳам илгариги маданиятдан кўп нарса сақланган. Агар иш кийими сифатида замонавий махсус кийимлар ва европа костюмлари кийилса, уйда японлар кимано кийишни хуш кўрадилар. бичими бўйича эркаклар ва аёллар кимонолари бир хил. Фақат эркаклар киманосида енг анча калта.

Ижтимоий турмуш хусусиятлари. Замонавий япон жамиятида одинги даврларга оид кўплаб хусусиятлар сақланиб қолган. Минамото ритомо ўзини сёгун деб эълон қилганидан бошлаб (XII аср) Япония сиёсий ҳаётида самурайлар етакчи ўрин тутган. Рицарлик шаъни кодекси “Бусидо” (“Шанчи йўли”) ишлаб чиқилиб, у самурайлар хулқини тартиблаштарган. Улар қаторида самурайларни ўзига суиқасд қилиши (“харакира”) ҳам бўлган.

Анъанага кўра жамият хулқ меъёрлари японларнинг ўзига хослиги характерига бўйсундирилган. Патриархал муносабатлар оила аъзоларининг хонадон бошлиғига сўзсиз итоат этишлари анъанаси давом этмоқда. Аёлларни нисбатан паст ҳуқуқий ҳолатлари давлат даражасида сақланиб қолмоқда. Эркаклар билан тенг меҳнат учун аёллар кам ҳақ оладилар.

Амалда япон жамиятини тоифаларга бўлиниши ҳам сақланмоқда. Японияда бу тоифага 3 млнга яқин киши киради. Улар алоҳида (600 кишидан) поселкаларда истиқомат қиладилар. Буракуминлар ахлат йиғувчилар, теричилар, қизиқчилар ва ҳ.к.о.лар. Расман улар бошқа японлар билан тенг ҳисобланади, амалда камситиш сақланиб келмоқда.

Буракуминлар ва бошқа японлар орасидаги никоҳ жамиятда қораланади. Замонавий жамият хўжалик

талаблари маорифга ҳам маълум вазифалар юклайди. Японияда мажбурий 9 йиллик таълим жорий этилган.

Динлари. мамлакатда диний ҳолат ҳам ўзига хос. Японияда икки, синтоизм ва буддизм дини кенг тарқалган. Синтоизм (японча синто “худолар йўли”) ва худо Амотсэрусу қуёш илоҳасига, император ва унинг оиласи унинг авлодари сифатидан эътиқод қилиш.

Корея аҳолиси. Корейслар (68 млн киши) Евроосиё қитъасининг энг қадимги халқларидан бири. Улар Корея ярим оролида ер юзининг аҳолиси энг зич жойлашган (1км.кв 250 минг киши) ҳудудида яшайди. Корейслардан деярлик 4 млни яхши ҳаёт излаб бошқа мамлакатларга кўчишган.

Корея ярим оролида одамлар илк палеолитдан яшаб келади. Археологик қазишмалар маълумотлари корейслар мил.авв. I минг йилликдаёқ деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Мил.авв. VII-II асрларда ҳудудда илк қурдорлик давлатлари вужудга келган. Тарқоқ қадимги корейс қабилаларининг бирлашуви мил.авв. VII асрда якунига етади. Айнан шу пайтдан ягона корейс тилини олтой тил оиласига оид эканлиги тасдиқланмоқда. Милодий VII асрда корейс ёзуви тизими-**иду** шаклланади. Унда хитой иероглифларидан фойдаланилади. XV асрдан корейс фонетик ёзуви ҳам яратилади. Унинг ҳарфлари дастлаб 20 та, кейинчалик 40 тага етади. Корейслар XI асрдан ксилографик усул билан китоб босишни билишган.

Корейсларнинг хўжалиги. Корейларнинг хўжалиги суғорма деҳқончиликка асосланган. Ерни ҳайдашда йирик шохли моллардан фойдаланиш, шоли кўчатларини жўякларга экилиши уларнинг Жанубий-Шарқий Осиё халқлари билан бевосита алоқада бўлганини тасдиқлайди. Асосий қишлоқ хўжалик экини шоли бўлиб қолади. Ярим оролнинг шимолида иқлим бирмунча салқин бўлганидан унда ося, буғдой, маккажўхори экилади.

Қишлоқ хўжалигида ҳам қўл меҳнатидан кўп фойдаланилади. Бу ҳол далаларга сув чиқариш бораисда кузатилган, сув кўтарувчи мосламалардан кам фойдаланилган.

Деҳқончиликдан ташқари хўжаликда балиқчилик ҳам айниқса йирик дарёлар бўйлари, қуйи оқимларида муҳим аҳамият касб этган. Соҳилга яқин оролларнинг кўп бўлиши балиқни бир ёки жамоа бўлиб ов қилиш учун имконият яратган. Корейс ошхонасида камёб ҳисобланган денгиз

моллюскаларини махсус сувга чуқур шўнғувчи аёллар овлаганлар.

Тоғли аҳоли яқин вақтларга қадар ов ва ёввойи доривор ўсимликларни териш билан шуғулланганлар. Корейслар таомларида ўсимлик ва денгиз маҳсулотларидан кенг фойдаланилади. Аксинча сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилмайдилар, чой ҳам кам ичилади.

Корейс ҳунармандлари буюмлари қадимдан шуҳрат қозонган. Будда ибодатхонаси учун 770 йили корейс металлурглари қуйган қўнғироқлари диаметри-2,3 метр, баландлиги-3 метр бўлган. Корейс ҳунармандлари металл буюмларга тош ва рангли эмалдан кўз қўйишни ўзлаштирганлар.

XVI асрдаёқ корейслар катта ҳарбий кемалар қуриб, уларнинг сиртини мис бўлаклари билан қоплаганлар. Тўқимачилик ҳам юксак тараққиётга эришган. Қоғоз, кулолчилик ривожланган. Корейс форофри бутун дунёда ҳозирга қадар қадрланади.

Корейслар қадимдан дарё бўйлаб жойлашганлар. Шаҳарлар ўрта асрларда водийларга душманни киритмаслик учун қурилган қалъалар ўрнида юксалади. Корейс қурувчиларининг юксак маҳоратидан ярим оролга киришга йўл қўймаслик учун қурилган мудофаа деворини кўрсатиш мумкин. У X асрда киданлар хужумларига қарши қурилиб, узунлиги 500 км бўлган.

Корейслар уй-жойлар қурилишида ҳам катта маҳоратга эришган. Уларнинг синчли уйлари муҳим хусусиятга эга-поли ондоль орқали пастидан иситилади. Корейс оиласининг бутун ҳаёти ондол устида ўтади. Овқат тайёрлаш учун ўчоқ ва қозон ошхонада бўлган. Корейслар уйида мебель кам. Уйда жиҳозлардан фақат овқатланиш учун паст хонтахта сифат стол бўлган. Уни таом тортишдан олдин олиб келиб, сўнг чиқариб қўйишган.

Корейслар буддизм динига сиғиниб, у милодий IV-VII асрларда Хитойдан кирган. мамлакатда аждодлар руҳига эътиқод анимизм, конфуций таълимоти асосида ўтказилади. XX асрдан христиан миссионерлари ҳам ўз фаолиятларини кучайтирди.

Сибирь халқлари. Замонавий цивилизация ҳали инсонларни Шимолий Осиёнинг арктика ва субарктика шароитига мос мунтазам ҳаёт имкониятларини ярата олганича йўқ. Бу борада Сибирь халқларининг ҳаёт таъминоти тажрибаси: ов, балиқчилик, транспорти, кийимлари, уй-жойлари ва уларни иситиши, таомлари

турлари, уларни мавсумга қараб истеъмол қилишлари ва ҳ.к.о.ларни ўрганиш катта аҳамият касб этади. Бу бебаҳо тажриба Сибирь халқларининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасидир.

Бугунги кунда Сибирда 25 дан ортиқ халқ ва элатлар яшайди. Уларнинг хўжалик ҳаёти асосини тайга ва тундра овчилиги, денгиз ҳайвонларини овлаш, балиқчилик ва буғучилик ташкил қилади. Уларнинг этнологик адабиётларда Шимол ва Сибирнинг кам сонли халқлари деб аташади. Бу халқларнинг сони 200 дан 34 минггача, барчаси биргаликда 180 минг кишидан иборат. Фақат битта Шимол халқи ёқутлар бу сондан кўпчиликни, яъни 382 минг кишидан иборат. Жанубий Сибирда эса нисбатан йирик-бир неча ўн мингдан бир неча юз минггача бўлган халқлар ҳам яшайди.

Сибир халқлари ва уларнинг маданияти. Руслар Шарққа Тинч океани томон ҳаракат бошлар экан, Урал ортида дастлаб манслар, хантлар ва ненецлар (руслар уларни вогуллар, остяклар ёки самоедлар деб аташган)ни учратганлар. Бу халқлар XVI аср охирида Ермак юришидан сўнг Россия давлати таркибига қўшиб олинган.

Югра номини руслар хантлар ва мансиларнинг қўшнилари комилардан ўзлаштириб, улар тиллари жиҳатидан хант ва манслар қардошлари дунай венгрлари (угорлар)га яқин эдилар.

ненецлар, хантлар, мансилар ва венгрлар тиллари бир тил оилси Уралга кириб, у эса фин (коми), самодий (ненецлар) ва угор (қолганлари) тил гуруҳларига бўлинади. Олимларнинг фаразича, урал тилли халқлар жез ва темир даврида Осиё ва Европа чегараларида шаклланган. Ўзлаштириш хўжалигидан (ов ва теримчилик) ишлаб чиқариш фаолияти чорвачиликка ўтган. Кейинги миграция жараёнлари бу халқларни узоқ ўлкаларга қадар тарқалишларига олиб келади.

Бугунги кунда Россия федерациясида хантлар-22,3 минг, мансилар 8,3 минг кишидан иборат. Хантлар ва мансилар 8,3 минг кишидан иборат. Хантлар ва мансилар қишлоқлари Обь ва Иртиш дарёлари ирмоқларида жойлашиб, унчалик йирик бўлмаган. Энг каттасида ўнта атрофида уй бўлса, баъзидан ундан ҳам кам эди. Дарёнинг қуйи соҳилида яшовчи аҳолининг асосий машғулоти балиқчилик, юқори оқимидагилар эса овчилик билан шуғулланган. Балиқ уруғ ташайдиган даврда хант ва мансилар ўзларининг ўйма қайиқларида Обь дарёсига тушиб, ёзда қиш мавсумига балиқ тайёрлаганлар. Бу жойларда вақтинчалик чайлалар қурилган. Балиқни дудлаш, қуритиш орқали тайёрлашса,

ичидагилардан балиқ мойи олишган. Балиқ мойига турли ёввойи мевалар, маймунжон, малиналарни аралаштириб таом тайёрлашда ишлатганлар. Балиқ суякларини қуритиб, майда балиқ билан қўшиб, улардан махсус ун тайёрлаганлар. Қишда унга қайнатилган ун қўшиб, шўрва сифатида истеъмол қилганлар.

Хант ва мансилар балиқ овлашнинг турли усулларини ихтиро қилганлар. Тўрларни қичитқи ўсимлиги толаларидан тўқиб, қўнғир рангга бўяганликлари сабабли улар сувда кўзга ташланмаган. Ёғоч дастгоҳларда ўсимлик толаларидан мато тайёрлаганлар.

Хант ва мансилар овда ҳам турли усулларни қўллаганлар. Руслар келгунига қадар асосий қурол ўқ-ёй бўлган. Камондан отишни болаликдан машқ қилишган. Қопқон қўйишдан ҳам кенг фойдаланилган.

Ов аҳолини фақат озиқ билан эмас, хўжалик учун ашё билан ҳам таъминланган. Қайин пўстлоғини қайнатиб, (эгилувчан ва мустаҳкам бўлиши учун) ундан турли идишлар тайёрлашган. Ёғочдан тайгадаги ҳаётни таъминлайдиган чанғи, итлар учун нарталар, ўйма қайиқлар ясалган.

Қишда асосий транспорт воситаси итлар қўшилган чана бўлган. Бу ҳудуддаги ит қўшилган чаналар тарихи қадимги бўлиб, олимларнинг фикрича неолитдан бошланган. Бу транспорт балиқчилик хўжалигининг шаклланиши, қишга итларга балиқ заҳиралари тайёрлаш имкониятининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Фақат XVII-XVIII асрларда буғули чаналар итларни четга суриб қўяди.

Ҳудуддаги ҳар бир қабилавий гуруҳнинг ўз муқаддас жойи бўлган. Хант ва мансилар ўзларининг олий илоҳи деб барча нарсаларнинг яратувчиси Нуми-торумани ҳисоблашган. Унинг хотини Колташ-Эква ер илоҳаси, барча инсонлар ҳомийси бўлган. Нуми-Торуманинг 7 ўғли бўлиб, улардан одамларга ёрдам берган Мир Суснехум айниқса қадрланган.

Аҳолининг тасаввурича, атрофда кўплаб эзгулик ва ёвузлик руҳлари: ўрмонда улкан-менквалар, фариштамиснелар, сувда-сув девлари мавжуд бўлган. Руҳлар ва инсонлар орасидаги воситачи-Шаманлар ҳисобланган. Инсон ўзи енга олмайдиган қийинчиликларга дуч келганида айнан шаманга мурожаат қилишган.

Селкуплар ва кетлар. Обь дарёси атрофларида яшаган сулькуплар тилига кўра ненецларга, ҳаёт тарзи ва хўжалиги бўйича угорларга яқин. Умумий сони 3,6 минг киши.

Кетлар(1,1 млн киши) тайга овчилари ва балиқчиларидир. Бугунги кунда кетлар лингвистикада енисей номини олган

тил оиласининг ягона вакилларидир. Енисей тилли этник гуруҳлар XVII-XVIII асрларджа Жанубий Сибир турклари, қисман руслар билан аралашиб кетган. Фақат кетлар Тунгус ва Турухан атрофларида яшаб ўзлигини, овчилик-балиқчилик хўжалигини сақлаб қолган.

Ненецлар. Архунгельск вилоятидан Таймер ороли тундрасига қадар ҳудудларда 34 минглик ненцлар яшаб, Арктиканинг бепаён пасттекисликларида кўчиб юришади.

Ненец учун энг қиммат нарса-буғу бўлиб, у ҳаёт учун барча нарсаларни берган. Енисейнинг қуйи оқимида яна бир кичик этнос атиги 200 кишидан иборат энцлар, 1,3 минг кишини ташкил қилган нганасанлар яшайдилар. Буғу гўшти озиқларининг асосини ташкил этиб, уни сувда қайнатиб, шўрвасига хамир солиб пишириб ейдилар.

Янги ушланган балиқни хомлигича ёки тузлаб истеъмол қиладилар. Қишда музлатилган балиқ гўшти (страгоника) севимли таомлари ҳисобланади.

Бунга ўхшаш гўштни истеъмол қилишнинг анъанавий усуллари уларнинг “қолоқлигидан” эмас, балки шимолдаги ҳаётнинг талабларидан келиб чиққан. Ўсимлик, сабзавот, мевалар бўлмаган шароитда инсон танаси етарлича туз, витаминларни олиши учун ягона усул хом гўшт, балиқ ва буғу қони бўлган.

Ненецлар тўда бўлиб яшаганлар. Мавсумга қараб яйлов ҳудудидаги оилалар таркиби ўзгарган. Қишни ненецлар тундра ва ўрмон чегарасида буғулар ўзига озиқ топа олмайдиган жойда ўтказар, баҳорда яна тундранинг шимолига қараб силжий бошланар, ненец чўпоннинг асосий ёрдамчиси ит бўларди.

Ненецлар уйлари кўчма чум. Унинг ўзаги (суяги) 35-40 та ўқ (таёқ) бўлиб, усти нюклар буғунинг жуни тепасига қилиб тикилган терисидан қоплаганлар. Ёзда дарахт пўстлоғи ёки эски териларни ишлатганлар. Кўчиш давомида нарталарда (чана) чум йиғилиб, янги жойга олиб кетилган.

Куз ва қишда ненецлар артелга бирлашиб, мўйнани ҳайвонлар ва ёввойи буғу овлаганлар, ёзда балиқ овлаш учун оилаларини яйловда буғулар билан қондириб, эркаклар ўзлари кетганлар. Ненецлар табиат кучлари, ер, оловни муқаддас билганлар. Тил бўйича ненецларга қардош нганасанлар. Таймир тундрасида улар билан қўшни яшаб, улардан буғучиликни қабул қилишсада, таомлари учун фақат ёввойи буғулар гўштини ишлатганлар. Улар ёввойи буғуларни шимолдан жанубга, сўнг отга қайтган пайтларда пойлаб, ов қилиб, тайёрлаган гўшт заҳиралари омадлари

юрганда кейинги баҳоргача етган. Бу хилдаги ов тури Евроосиёнинг шимолида неолит даврида шаклланган. Буғучилик билан шуғулланадиган бошқа халқлар сингари: ўчқо илоҳасига, январда тундра узра илк бор қуёшнинг кўринган кунини, ёздаги энг узун кунни, биринчи қорни байрам қилганлар. Байрамларда шаманлар турли удум-маросимлар ўтказиб, уруғдошларига таскин берганлар.

Эвенклар. Енисейдан шарққа ўрмонлар бошланиб, Тинч океани соҳилига қадар давом этган. Ҳудудларда 30 минг эвенклар ва уларга яқин 17 минглик эвенклар яшайдилар. Эвенклар кам бўлсада, улар руслардан кейин иккинчи энг йирик ҳудудларни эгаллаганлар.

Эвенклар тайга овчилари, бутун ҳаётлари ўз ҳудудларини, ҳайвоннинг одатларини, мерганлиги, эпчиллиги ва ҳ.к.о.ларга боғлиқлиги билан хусусиятланади. Уларнинг бутун умри ҳайвон ва балиқларни излаб, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш билан ўтади.

Агар овлари бароридан келса гўштнинг маълум қисмини заҳирага: дудланганлар, қуритганлар ва ҳ.к.о. усуллар билан тайёрлаганлар. Қолганларини қисмларга бўлиб, буғуларда олиб кетиш учун хуржунларга солиб, яқин кунларда ишлатиш учун юклаб олганлар. Овчи ўлжасидан ҳеч нарса ташлаб юборилмаган. Камус буғу ёки кийикнинг оёқларидаги теридан-унтлар-жунли этик тикканлар. Бўйнидани теридан мустаҳкам бир неча метр арқон тайёрланган. Дудлаб қуритилган пайларида кийим, пояфзал, хуржунлар тикиш учун қаттиқ ип қилишган. Буғу ёки айиқнинг терисидан иссиқ кийим, чумларни ёпиш учун ашё, ухлаш учун қоплар, кўрпалар (пўстаклар) тикишган. теридан ошлаб замша тайёрлашган. Овчи энклар ўз эҳтиёжларидан ортиқ ҳайвонларни овламаганлар.

Эвенк ва эвенлар ҳаётида балиқчилик ҳам муҳим ўрин тутган. Балиқни овлашда турли усуллар тўпланилган, унинг ортиқчасини ҳам заҳирага тайёрлаганлар.

буғучилик-эвенклар маданиятининг ажралмас қисми бўлган. Шунинг учун уларнинг қўшнилари чучкалар, ненецлар эвенкларни “буғулик чавандозлари” деб аташган. Айнан буғу эвенк ва эвенларга кўчманчи ҳаёт кечириб, тайганинг мураккаб ҳудудларини ўзлаштириш имконини берган. Тунгус балиқчилиги асосан транспрот йўналишидат эди. Буғулар эгар остида ёки хўжалик юкларини ортиб юришга мўлжалланган. Оилага одатда 40-60 та буғу тўғри келиб (ненец тундра буғучилигида 10 баравар кўп), агар ундан кам бўлса хўжалик транспортисиз қолиш хавфи остида

қолган. Буғуларни ниҳоятда эҳтиёт қилишган, фақат очидан ўлиши хавфи остидагина сўйишган. Қишда қорнинг юзи юмшоқ бўлса, буғу асосий озиғи ягельни оёғи билан топиб очиб еган.

Анъанавий уйлари чум, йиғилиш кўчиш учун нари борса 2 соат етарли бўлган. Кийимлари ҳам овчи хўжалигига мос, буғу терисидан пўстин тиззагача бўлиб, буғуга ўтиришга ҳалақит бермаслиги лозим эди. Илгари кўкракларини совуқдан асраш учун махсус кашталар билан безатилган қўшимча кўкраклик кийилган. Ёзда жундан хафтан кийилган.

Эвенклар ва эвенлар тилларида уларнинг хўжалиги хусусиятларини ифодаловчи кўплаб атамалар мавжуд. Ҳайвонларни, айниқса ов қиладиганларини улар кўплаб номлар билан аташган. Фақат айиқнинг номини овоз чиқариб айтишмаган. Одатда уни “бобо”, “момо”, “тоғо” ва ҳ.к.о. деб аташган. Бу айиқни номини айтса, у албатта эшитиб нима ҳақда гап кетаётганини англабди деб тушунишган.

Олий илоҳлари Энэкэ (эна, момо) тайга эгаси, юқори дунёдаги буғулар ва одамлар хўжайини. Унинг ердаги ёрдамчилари Энкэ того (олов момо) ва эзгулик руҳи Сэвэки бўлган.

Ёқутлар. Рус колонислари XVII асрнинг биринчи ярмида Шарққа силжир эканлар Лена дарёсининг ирмоқлари Алдан ва Вилюйда ажойиб халқни учратганлар. Ёқутлар ҳаётининг асосини овчилик ёки балиқчилик эмас, чорвачилик-қорамол ва йилқи боқиш ташкил қилган. Яқутлар (ўзларини Сиха дейишади) дунёдаги энг шимолий чорвадорлардир. Олимларнинг фикрича, ёқутларнинг шимолга кўчиши милодий II минг йилликнинг бошларидан бошланиб, Байкал атрофларини Чингизхон босиб олганидан сўнг XIII-XIV асрларда якун топади. Ёқутлар олтой тил оиласининг туркий тил гуруҳига мансуб.

Ёқутлар Лена хавзасига келганларидан сўнг бу ерда яшаган тунгус ва юкагирларни ўз таркибига сингдириб юборадилар. Совуқ иқлимига мос бўлмаган қўй, туя, эчкилар боқилмай, деҳқончилик ҳам унутилади. Иқлим уларга қишлов ва яйлов ёзги қишлоқлар барпо этишга мажбур қилади. Ёғоч уйлар хашак тайёрлайдиган далаларга туташ, уйга оғилхона-хотон ёнма-ён қурилган. Ўтоқхоналарга эътибор катта бўлган.

Ёзги қўрғонлар аласларда-дарё водийларида ўрмон бўлмаган серут яйловларда жойлашган. Бу жойда мол июндан сентябргача боқилган. Аласда одатда бир неча ёзги уйлар қурилган ва бир неча хўжалик яшаган.

Ёқутларнинг асосий таомлари сут ва сутли маҳсулотлари бўлган. айнан сигирлар кўп сут берадиган ёз ва кузда қишга заҳира озиқ тайёрлаш керак эди. Йирик пўстлоқлардан (береста) қилинган идишларда қоптиқ тайёрланиб, унга девор илдизлар, мевалар бошқа зираворлар солиниб, қиш бошланиши билан музлаган тарани кесиб, эритиб, сув қўшиб қайнатганлар. Бу қатиқли шўрва (бутугас) яқутларнинг қишдаги асосий таомлари бўлган. Баҳорда озиқ етмаслиги катта кулфатларни келтирар эди.

Баҳор келиб йилқиларнинг қулинлаши-қимизни оғизга тегиши ҳаётни қайтадан бахш этарди. Июнь ойида ёқутлар қимиз байрами-ысыахни ўтказарди. Дастлаб ысыахни бутун бир уруғлар ўтказса, кейинчалик йилқи уюрлари бўлган тойонлар ташкил қилган. Маросим чорва худоларига жамоавий ибодат, улардан бахт ва фаровонлик сўраш, қимиз ичиб, қўшиқ ва рақслар билан ўйинлар билан ўтказилган.

Тайга чорвадорлари ҳаётида балиқчилик ва ов ҳам муҳим бўлган. Камбағаллашиб молидан ажралган оилалар умуман балиқчилар (балыкситларга) айланиб қолганлар.

Ёқутларда тараққий этган бадиий ҳунармандчилик: ёғоч ва суяк ўймакорлиги, кумуш, мис, олтиндан қуйма ва ўйма зеб-зийнат ясаш, матога, терига кашта солиш, дарахт пўстлоғига босма нақш тушириш юксалган. Ёқут темирчилари темирни эритиш ундан буюмлар ясашни ўзлаштирганлар.

Халқ оғзаки ижоди бой, қаҳрамонлик ҳиссалари-олонжо, уларда афсонавий баҳодирлар-боотурларнинг ёвуз кучлар билан курашлари акс этган. Олонхосут-бахшилар достонларни бир неча кунлаб куйлашлари мумкин эди.

Ёқутларни рус-проваслав черкови XVIII асрнинг 60 йилларида- XIX асрнинг ўрталарига қадар христианликка ўтказганига қарамасдан кўплаб маъжусий эътиқод ва культларини сақлаб қолганлар. Уларнинг аввалги динларида олий илоҳ Юрюн-Аар-Тойона-“Жаноб оқ қария” деб номлаб, уни тўққизинчи осмонда яшайди деб тасаввур этишган. Ийехсат-молга тўкинлик берадиган илоҳа бўлган.

Руслар истилоси арафасида ёқцтлар жамиятида ижтимоий табақаланиш бошланган эди.

Долганлар. Ёқутлардан шимолий-ғарбда Таймир билан чегарада XVIII-XIX асрларда янги этнос долганлар (6,6 минг киши) шаклланган. Уларнинг тили ёқут тили, номлари тунгус уруғларидан олинган. Дангарлар шимолий ёқут, эвенк ва русларнинг дурагайлашувидан келиб чиққан. Хўжаликлари кўлдан Сельд балиғини овлашга асосланган. Долганлар ҳам

буғучилик билан шуғуллаган. Буғулардан транспорт воситаси сифатида фойдаланишган.

Юкагирлар. Ёқутистоннинг шимолий шарқида Колима дарёси хавзасида яшайдиган ушбу этник гуруҳ 1,1 минг кишидан иборат. Югакирлар тили палеоосиё, у энг қадимги Сибир аҳолиси тилларидир.

Югакирлар пиёда овчилик билан шуғулланадилар.

Камчатка ва Чукотка аҳолиси. Чукчалар (15,2 минг), поряклар (8,9 минг), ительменлар (2,4 минг), чуванлар (1,4 минг) эскимос ва алеутлар 1,7 ва 0,6 минг киши. Камчатка ва Чукотка ҳудудларида яшайди. Дастлабки уч халқининг тили палеосиё тиллари ҳисобланади. Эскимослар ва алеутларнинг тилларидаги асосий аҳоли АҚШ ва Канадада яшайди.

Шимолий-Шарқий Осиё халқларининг асосий машғулотлари ва ҳаёт тарзлари ҳозирга қадар ўзининг анъанавийлигини қисман бўлсада сақлаб қолмоқда. Хўжалигида тундра кўпуюрли буғучилиги ва денгиз ҳайвонларини овлашдир. Ительменлар Камчатка водийси ва ярим оролниниг ичидаги бошқа дарёларда ўтроқ балиқчилик билан шуғулланадилар.

Чучка, коряк, эскимосларнинг денгиз ҳайвонларини: китлар, моржлар, тюленлар, лахтаклар (денгиз қуёнлари) ва нерпларни овлашда маҳорат, чаққонлик, чидамлилик, тезкорлик талабқилинган. Ушбу ҳайвонларнинг гўшти одамлар ва чанагаи қўшиладиган итларга озиқ бўлса, ёғи овқат ва уйларга иситиш, ёритишда, жуни ва териси, мўйнаси кийим-кечак, пояфзал, суяги (тишлари)дан гарпун ва бошқа нарса ва буюмлар тайёрланган.

Морж ва китга (май ойидан октябргача) жамоа бўлиб, ов қилинган. Моржларни овлагани Чучка ва эскимослар байдарга ёғоч синч устига денгиз ҳайвонлари терисини қопланган қайиқларда чиқишган. Катта байдар-Каларга 30 гача одам сиққан. Одатда байдарга 7-10 та киши ўтирган. Қайиқнинг уч томонида рулни бошқарувчи ўтирган. Гарпун қайишига тюлен терисидан тикилиб, пудалдан пуфак беркитилган. Китга ов ҳам шу тақлид уюштирилиб, фақат унда бир неча байдар қатнашган. Тюлень, нерп, лахтакларни якка ҳолда овлашган.

Шимолий-Шарқий халқлар уй-жойлари яранга буғучилар чумига ўхшаш, фақат каттароқ. У ҳам ёғочлардан қилиниб, устига терилар қопланган. Энг асосийси бундай уйлар очиқ оловли ўчоқ билан эмас, ёғли чироқ билан иситилган. Қишда оила аъзоларининг ҳаёти айнан ана шу иситиладиган хона ичида ўтади.

Кийимлари биз юқорида таъриф берган халқлариникига ўхшаш. Болаларга жунли комбизонлар кийдиришган.

Палеоосиёликлар ижтимоий ҳаётлари уларда уруғларнинг бўлмагани билан хусусиятланади. Чукка, коряк, ительменлар эскимослар диний тасаввурида афсунгарлик ҳаракатлари ва удумлари кўп сақланган. Афсунгарлик ва туморларга ишонч уларни-кэлэ ёвуз руҳлар тазйиқидан асраши лозим эди. Сеҳргарлик ҳаракатлари (масалан, қурбонлик қилинган ҳайвон хонини суртиш), шомонларнинг қиёсини касалдан ёвуз руҳларни ҳайдаб уни тузалишига кўмаклашмоғи лозим эди. Улар морж, китларга бағишлаб турли байрамлар ўтказиб турганлар. Бу байрамлар пантомимо ва қўшиқларга эга бутун бир спектаклга (томошага) айланган. Одамлар бу тадбирлар ҳайвонларни “ҳаётга қайтаришга” ишонганлар. Байрам ва ярмаркаларда шйин, спорт мусобақалари-пойга, чаналарда пойга, қор устида тўп билан турли ўйинлар-арктика футболи ўтказилган.

Амур дарёси соҳиллари аҳоли. Амур хавзаси, Уссурия ўлкаси ва Сахалин оролида руслар келгунига қадар: нивхлар (4,7 минг), нанайлар (12 минг) ульчилар (3,2 минг), орочилар (900 киши), орокилар (200 киши), удэгейлар (2 минг киши), негидаллар (600 киши) овчилик ва балиқчилик билан шуғулланадиган кам сонли халқлар.

санаб ўтилган аҳоли тили (нивхлардан ташқари), тунгус-манжур гуруҳи, олтой тил оиласига киради. Нивхлар тили ўзига хос бўлиб, у фанга маълум бирор-бир халқнинг тилига ўхшамайди. Лекин уларни палеоосиёликлар хўжалиги ўтроқ балиқчиликни, қуруқликдаги ов, денгиз ҳайвонларини овлаш билан қўшиб олиб борганлар. Тунгус тилли гуруҳлар ҳудудга мил.авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмига тўғри келади. 638 йили бу жжойда ташкил топган Бохай подшолиги билан Хитой империяси ҳисоблашган, Корея ва Япония ўзар муносабатларга киришган. Ушбу подшолик 926 йили мўғул тилли чорвадор кўчманчи пиданлар хужуми остида йиқилди. Лекин 1115 йили тунгус тилли чжургженлар йўлбошчиси Агуда киданларни енгиб, Алтун империясини тузганини эълон қилади. Чжурчжен деярлик юз йил Хитой ва мўғуллар билан муваффақиятли урушлар олиб борган. Чингизхон уларга қарши урушни 1211 йили бошлаб, 20 йилдан сўнг тўла ғалабага эришади.

Амур аҳоиси хўжалигида балиқчиликдан ташқари ов, ёввойи ўсимликлар илдизлари, меваларини териш, денгиз ҳайвонларини овлаш бўлган.

Тайга халқларини сон-саноқсиз дарё, ботқоқ, қалин чакалакзорларда йўл топа олиши ҳайвонларнинг хулқи-феълини билиш ва ундан овда фойдаланишлари, европаликларни доимо қойил қолдирган. Ёзувчи В.Х.Арсеньевнинг дўсти Дерсу Узала айнан нанастлардан бўлган. Ёзувчи ўз қаҳрамони ва унинг қабиладошларини фақат инсонларга эмас, ҳайвонларга ҳам меҳрибонлиги ва қалбан муносабатини яхши тасвирлаган.

Дарё соҳилидаги балиқчилар поселкаларда кўпсонли уйлар, хўжалик бинолари жойлашган. Қишки уйлари кан орқали иситилган.

Кийим ва идишлар тайёрлашда маҳаллий ашёлар қичитқи ёки ёввойи каноп толасидан фойдаланганлар. Балиқ териси, мўйна, ёввойи ҳайвонлар териси-кийим тикишда қўл келган. Дарахт танасидан ўйиб қайиқ ясашган. Хитой билан савдо орқали ҳудудга идишлар, металдан турли меҳнат, жанг қуроллари, газламалар келтирилган.

Ижтимоий ҳаётда уруғ ва қариндошлик муносабатлари катта ўрин тутади. Уруғ ичида никоҳ тақиқланган. Қариндошлар бир-бирларини ҳамиша қўллаганлар. Қўшничилик, ўзаро ёрдам ҳам муҳим бўлган.

Маънавий маданиятлари ва диний тасаввурларида табиат кучлари билан боғлиқ ишонч, эътиқод, айиқ байрамлари катта ўрин тутган.

Жанубий Сибир (Олтой-Саян тоғлари ва Байкалбўйи) халқлари

Сибирнинг жануби ва табиий иқлим жиҳатидан бошқа ҳудудлардан катта фарқ қилади. Январда ўртача ҳарорат-16, июлда эса +23 градусни ташкил этади. Энг йирик халқлари: олтойликлар-69 минг, хакаслар-78 минг, туваликлар-206 минг, бурятлар-417 минг кишидан иборат. Шорлар 15,7 минг, тофарлар-700 кишини ташкил этади.

Санаб ўтилган халқларнинг барчаси олтой тилларида сўзлашади. Бурятлар мўғул тил гуруҳига, қолганлари туркий тилларда гаплашади.

Айни шу ҳудудда буғуни хонакилаштириш, сўнг Сибир бўйлаб тарқалиш бўлган. Олтойликларнинг вужудга келган ва шаклланган жой Марказий Осиё даштлари ва Сибирнинг жануби бўлган. Айнан Жанубий Сибирда жез даврида мил.авв. III-I минг йилликларда кўчманчи чорвачилик шаклланган. Ҳудуд аҳолиси ўз тарихи давомида бир неча марта алмашган.

Олтой, Саян, Байкалбўйидан темирни эритиш ва ундан турли буюмлар ясаш, уй ҳайвонларини хонакилаштиришни,

деҳқончилик билан шуғулланиш қўшни ҳудудларга тарқалган.

Хўжликнинг янги турларини шаклланиши аҳоли сонини ўсишига, миграцимя жараёнларини кучайишига олиб келади. Илк темир асридан чорвадор-кўчманчиларнинг силжишлари янада кўпаяди.

Хўжалик хусусиятларига қараб аҳолининг маданияти ва турмуши ҳам фарқланган. Чорвадорларда (Тува, Жанубий Олтой, бурятлар, хакасларнинг бир қисми) кигизли ўтовлардан кенг фойдаланилган. Овчилар эса чайлаларда ёки ёғочни йўниб ясалган кўп бурчакли ўтовларда яшаган. XX асрнинг бошларидан руслар таъсирида ёғочдан уйлар кенг тарқалади.

Турлича анъаналар кийимларда ҳам кузатилади. Чорвадорлар узун этаги ўнг томонга ёпиладиган чопонлар, чакмонлар кийган. Маҳаллий зодагонлар қимматбаҳо матолардан (мовут, шойи, атлас, бахмалдан) кийимлар тиктирганлар. Қишда узун жунли пўстинлар, юмшоқ қўй терисидан учи кўтарилган, пошнали этиклар кийилган. Бойларнинг кийимлари қимматбаҳо мўйналар билан безатилган. Зодагонларнинг бош кийимлари мураккаб кўринишга эга бўлиб, унинг ранги, безакларига қараб хўжайиннинг лавозими жамиятдаги мавқеини аниқлаш мумкин эди. Жанубий Олтой аёлларининг ўзига хос кийими енгсиз чегедек бўлган. Қишда уни қўй терисидан тикилган пўстин устидан кийишган.

Жанубий Сибир аҳолиси ижтимоий жиҳатдан ҳам турлича эди. Ҳар бир киши ўз уруғини туркча (сёок), бурятча-ясу (суяж) билган етти отасини исмини аташи лозим эди. Ҳар қандай бегона кишидан энг аввало қайси суякдан эканлиги сўралган. Уруғ ичида никоҳ тақиқланган.

Ҳозирда ҳудудда христианлик ва буддизм кенг тарқалган бўлсада: руҳларга эътиқод шомонлик сақланиб қолган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари
Географияси ва мамлакатлари

Евроосиёнинг улкан ҳудудлари Шарқда Помир, ғарбда Каспий денгизи, шимолда Орол-Иртиш сув чегараси, жанубда Эрон ва Афғонистон билан чегараланиб, уни адабиётларда Ўрта Осиё даб аташади. Ушбу ҳудуднинг катта қисмини-Қорақум ва Қизилқум чўллари эгаллайди. Шимолий ва Шарқий томонларида ҳам бепоён даштликлар жойлашган.

Жануб ва жанубий-шарқда чўл-даштлар тоғли Тянь-Шань, Помир ва Копетдоғнинг, инсон қадимдан яшаган воҳаларига уланган. Уларнинг айримларида ҳатто субтропик ўсимликлар

ҳам етиштирилади. Ўрта Осиё Дунё океанига чиқиш имкониятига эга эмас. Каспий ва Орол денгизлари аслида йирик кўллар, холос.Асосий дарёлари Амударё, Сирдарё ва Зарафшон мамлакатни жанубий-шарқдан шимолий-ғарб томонга кесиб ўтади. Дарёлар кам. Бугунги кунда ҳудудда 5 та: Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари жойлашган.

Этник тарих. Осиё қитъасининг бу қисми дунё цивилизацияси шаклланган марказлардан биридир. Неолитдан деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келган. Жез давридан шаҳар кўринишидаги қўрғонлар шаклланган. Даши-чўлларда кўчманчи чорвачилик, воҳаларда деҳқончилик асосий хўжаликка айлана боради.

Олимларнинг фикрича Ўрта Осиёга қадимги Месопотамия, Шарқий Европа, Уралдан турли аҳоли гуруҳлари келиб жойлашган. Датслаб фанга маълум аҳоли ҳинд-европа тилларига мансуб бўлган. Айнан мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмига оид аҳоли, кейинчалик зардуштийлик ва “Авесто”га асос солишган. Хорасмийлар, сўғдлар, бақтрияликлар қадимги давлатлар, шаҳарлар бунёд этишган.

Мил.авв. VI-IV асрларда аҳамонийлар, сўнг юнон-македонлар ва салавкийлар ҳудуд аҳолисига ўз ҳукмини ўтказган. Милодий аср бошларида Ўрта Осиёга Шарқдан келган юэчжилар юнон-бақтрия ҳукмронлигига чек қўйиб, Кушон давлатини туздилар.

Милодий IV-VI асрлар давомида ўлкага хионийлар, тохарлар, эфталийлар, сўнг турклар бостириб киради. Турк хоқонлиги даври Ўрта Осиё туркий тилли аҳолисининг шаклланишида муҳим босқич бўлади.

Араблар истилоси (VIII аср бошларидан) ва Ўрта Осиёнинг араб халифалиги таркибига кириши янги дин, тил, ёзувнинг тарқалиши фақат ижобий воқелик бўлмасдан, аҳолига мислсиз машаққатлар ҳам келтирган.

Қарлуқ-қорахонийлар даври X-XII асрлар Ўрта Осиёда йирик этнослардан бири ҳозирги ўзбекларнинг шаклланишига олиб келади. Турк, туркман аҳолисининг вужудга келишида ўғуз қабилаларининг роли катта бўлади. Мўғуллар истилосидан кейинги муҳим давр ўлкада Амир Темур давлатининг барпо этилишидир. Ўзбек халқининг этник тарихидаги сўнгги компонент, XVI асрдан ҳудудга шимолдан Қозоғистон даштларидан Дашти Қипчоқ туркий қабилалари келиб жойлашиши бўлади. Ўрта асрлардан ўлкада туркман, тожик, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, уйғар этнослари шаклланади.

Хўжалик. XIX аср охири-XX аср бошларида 3 хўжалик-маданий тип шаклланган. Ўтроқ деҳқончилик, кўчманчи чорвачилик ва ярим ўтроқ деҳқончилик, чорвачиликни қўшиб олиб борадиган аҳоли гуруҳлари.

Ўрта Осиё деҳқончилиги суғоришга асосланган. Деҳқончилик мил.авв. V минг йилликларда бошланган. Милодий V асрга келганда Ўрта Осиёда деҳқончилик учун яроқли ерлар ўзлаштириб бўлган. Бугунги кундаги энг йирик сунъий суғориш иншоотлари Катта Фарғона канали (345 км), Қорақум канали (минг километрдан ортиқ) ҳисобланади.

Ҳудудда XX пахта асрига қадар асосий қишлоқ хўжалик экини буғдой бўлган. Ўрта Осиёда бу экин қадим замонлардан буён экилиб келинган. Узоқ асрлар давомида ер хўкизлар қўшилган омоч билан ҳайдаб келинган. Қишлоқ хўжалик техникаси Ўрта Осиёга XX асрнинг 30-йилларидан келтирила бошланди.

Кўчманчи чорвачилик. Кўчманчи қорвачилик ҳам Ўрта Осиёда кенг тарқалган хўжалик фаолияти бўлган. У билан қозоқлар, қирғизлар, қисман ўзбек ва туркманлар шуғулланган.

Ўрта Осиёда бу хўжаликнинг 3 тури: меридианал, вертикал ва станционал турлари бўлган. Меридионал кўчманчиликда аҳолининг кузги қаророгоҳлари энг жанубда бўлиб, баҳор келиши билан шимолга ҳаракат бошланган ёз шимолидаги яйловларда ўтказилиб, куз яқинлаши билан ортга жанубга ҳаракат бошланган. Кўчиш йўли қудуқлар, сув манбаларининг жойлашишига қараб бўлган. Энг узоқ кўчишлар қозоқларда учраган. Кўчманчилар қўл остидаги уй ҳайвонлари: от, туя, қорамол ёки қўй-эчкилар сони кўп асрлик тажриба асосида шаклланган. Қишда от емиш топиш учун туёқлари билан қорни юмшатган майдондаги ўт ўланлар 6 та қўйга етарли бўлган.

Вертикал кўчманчилик тоғлик ҳудудларда қўлланилган. Баҳор келиши билан чорвадорлар қишловдан чиқиб, яйловга молни ҳайдаганлар. Ёзги тоғ яйловларида ўтказганчорвадорлар, қишда ўз уйларига қайтганлар.

Станционер кўчувлар энг қишлоқчил районлар: Туркманистон, Ўзбекистоннинг жанубида, Манғишлоқ ярим оролида кенг ёйилган. Бу услубдаги чорвачиликда мол энг кам ҳаракатда бўлади. Чорвадорлар қишни қуллар ёки тоғ воҳаларида қор қатлами ёки тоғ воҳаларида қор қатлами юқа ёки умуман бўлмайдиган, моллар емиш, одамлар ўтин топа оладиган жойларда ўтказишган. Ёзда отар ва уюрлар қишлоқлардан 1 кунлик узоқликдаги яйловларда боқилиб,

моллар 1-2 кунда бир суғориш учун ҳайдаб қайтилган. Туркманларнинг энг фахрли чорвалари йилқилар бўлган. Хусусан, ахалсткин зоти Туркманистондан узоқ ўлкаларда ҳам машҳур.

Мажмуа хўжалик. Мажмуа ёки ярим ўтроқ хўжаликни йирик воҳалар тевараги, кўл ва денгиз соҳилларидаги аҳоли олиб борган. Бу ҳудудларда ҳаракатдаги чорвачилик, деҳқончилик ва балиқчилик билан қўшиб олиб борилган.

Ўрта Осиё халқлари яна бир серунум комлекс хўжалик-ҳайдаб боқиш чорвачилигини ҳам билганлар. Унда ўтроқ деҳқончилик аҳолиси, аксари тоғ олди воҳаларида ихтисослашган чорвачилик, асосан қўйчилик билан шуғулланадилар. Ёзда аҳолининг бир қисми мол билан тоғ яйловларига йўл оладилар, қолганлари қишлоғда қолиб деҳқончилик билан шуғулланишда давом этишади. Қишда мол патсда бўлиб, қишлоқлар атрофидаги далаларда боқилган. Бу чорвачилик турининг хусусиятли яна бир томони қишга хашак тўплаш зарурлигидир.

Ҳунармандчилик ва уй машғулотлари. Ўрта Осиё аҳоиси хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири-ҳунармандчиликдир. Ҳудудда иккинчи меҳнат тақсимоти ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан алоҳида соҳага айланиши мил.авв. I минг йилликда бўлган. Ҳунармандчилик шаҳарларда, воҳалардаги йирик қишлоқларда жамланган. Шаҳарларда ҳунармандлар ўз соҳаларига қараб (“ўқчи”, “кўнчи” ва ҳ.к.о.) алоҳида маҳаллаларни ташкил қилганлар.

Экология учун зарарли соҳа вакиллари “дегрезчи, кўнчилар, бўёқчилар, қассоблар” маҳаллалардан четроқда-рабодда жойлашганлар. Олов билан ишлайдиган касб-корлар ҳам чеккароқда яшаганлар.

Ўрта Осиё ҳунармандчилиги майда ихтисосликка бўлиниши билан хусусиятлидир. Хусусан, фақат маълум турдаги газлама (адрас ёки олача, бўз) тўқийдиган ёки ипни фақат маълум рангга бўяйдиган бўёқчилар бўлган. Ҳудди шундай йўналишлар темирчиликда ҳам кузатилган. Ўз касбларига қараб ҳунармандлар цехларга бўлинган. Уни оқсоқол ҳар бир цехнинг “Рисоласи” асосида бошқарган. Камёб касб сир-асрорлари кўпинча устанинг ўғли ёки жиянига ўтган.

Ҳунармандлар буюмларида миллий хусусиятлар бўлмаган. Жумладан, Хоразм қуроллари ёки темирчилари ясаган буюмлардан ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар бир хилда фойдаланганлар. Самарқанд ёки

Бухорода тўқилган матолардан кийимни ҳам кўчманчилар, ҳам ўтроқ деҳқон ҳам кийган.

Ўлканинг экологиясига ўрта асрларда кулолчиликнинг, ғишт пиширишнинг кескин кўпайиши катта зарар келтирган. Оқибат юзлаб гектар ерлардаги ўрмонлар қирқиб ёндириб июборилган. Иссиқлик қуввати ашёларининг камёблиги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришни тараққиётини сусайтиради.

Кўчманчи чорвадорларда уй ҳунармандчилиги юксалган. Ҳар бир оилада кигиз, жун газламалар тайёрланган. Айниқса гилам тўқиш туркманлар, қозоқларда юксак санъат даражасига кўтарилган. Ҳали XIX асрда ҳам гиламларда қабила рамзлари, нақшлари-гули ҳар бир қабиланинг алоҳида бошқасиникига ўхшашмайдиган бўлади.

Хўжаликдаги алмашинувлар. Ўрта Осиёдаги барча хўжалик фаолияти турлари бутун бир мажмуани ташкил қилиб, у ҳудуднинг табиий имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш имконини беради. Чорвадор-кўчманси нонсиз яшай олмаса, деҳқонларда табиий гўшт-сут маҳсулотлари кам бўлган. Энг қизиғи кўчманчилар таомларининг асосини гўшт эмас, нон-сут (ёки ундан хамирли) маҳсулотлари ташкил этади.

Этнодемографик муаммолар. Ўлканинг хўжалик жиҳатдан хилма-хил эмаслиги, ҳаётнинг кўплаб соҳаларида муаммолар туғдиради. Бу аҳоли сонининг кейинги юз йил давомида кесикн ўсишида яққол намоён бўлди. Масалан, Тожикистон аҳолиси юз йилда 11 мартага ўсган. Этнодемографик муаммолар озиқ-овқат танқислиги, ортиқча ишчи кучининг ўсиб боришида сабаб бўлмоқда. Хусусан, 2000 йилги маълумотлар бўйича Андижон вилоятида 1 км.кв.да 512 киши яшаши ҳам муаммонинг канчалик долзарблигини кўрсатади.

Ижтиомий ташкилотлар. Моддий бойликларни яратишдаги хилма-хил имкониятлар, мулкий табақаланишни ҳам нотекис бўлишига олиб келади. Агар деҳқончилик ҳудудларида табақаланиш мил.авв. I минг йилликда бошланса, чорвадорларда бу жараён анча кеч содир бўлади. Шаҳарларда ижтимоий муносабатлар ва тенгсизлик, қишлоқлардагига нисбатан кескин ва аниқроқ намоён бўлади. Умуман олганда Ўрта Осиёликлар ижтимоий стратификацияси нисбатан мураккаб бўлиб, кўплаб ҳудудий хусусиятларга эга.

Давлат тузуми. Рус истилосига қадар Ўрта Осиё: Хива ва Қўқон хонликлари, Бухоро амирлигига қараган. Хонликлардаги ерларнинг барчаси ҳукмдорлар мулки

ҳисобланган. Бошқарув маъмуриятида машғул кўп сонли амалдорлар фақат маош эмас, балки маҳсулот (асари буғдой) билан инъомлар ҳам олиб туришган.

Ўрта Осиё жамияти асосий ячейкаси қўшничилик жамоаси бўлган. Деҳқончилик воҳаларида айнан қишлоқ жамоалари асосий ижтимоий бирлик бўлиб, амалда ер ва сувнинг эгаси ҳисобланган. Жамоанинг ичида ер ва сув алоҳида оилаларга тақсимланган. Узоқ асрлар давомида сувни ерга нисбатан ҳам юксакроқ қадрлашган.

Шариат бўйича мулк, вақф ер эгалиги турлари ҳам бўлиб, унга ҳеч қандай жамоа ёки шахс даъво қилиши мукин бўлмаган.

Чорвадорлар жамияти уруғ-қабила бўйича ҳаёт кечирган. Унда кўчманчилар жамоаси асосий бўғин ҳисобланган. У бир неча қариндош оилаларни бирлаштирган. Жамоалар уруғларга, улар ўз навбатида қабилаларга бирлашган. Яйловлар, сув манбалари қабилаларники бўлган.

Қозоқ ва қирғизлар жамиятида чорвадор аҳоли оқ ва қора суякларга бўлинган. Биринчисига хон ва султонлар кирса, иккинчисига оддий чорвадорлар кирган. Туркманлар ҳам зодагонлар-иглар ва авом “қуллар”га бўлинган. XX аср давомида тафовутлар йўқола бориб, қисман фақат никоҳ муносабатларида қолади.

Моддий маданият. Қўрғонлар ва уй-жойлар. Чўл, воҳа ва тоғларда яшовчи аҳоли моддий маданиятидаги тавофутлар этник ўзига хослиги эмас, балки хўжалик машғулотлари ва ҳудудий хусусиятларга кўпроқ боғлиқ. Бу қўрғонлар ва уй-жойлар мисолида ҳам яхши кузатилади. Қўрғонларнинг шаҳар ва қишлоқларга бўлиниши мил.авв. I минг йилликда бошланган.

XX асрда аҳоининг тез суръатлар билан ўсиши аҳоли турар-жойлари, қўрғонлар турларида ҳам ўз аксини топган. Ўрта Осиё шаҳарлари катта ўзгаришларга учради. Маълумотларга қараганда бундан 150-200 йил аввал Ўрта Осиёнинг шаҳарлари ўз ҳудудларида кўплаб мевали боғлар, полизлар ва ҳаттои унчалик катта бўлмаган экинзорларни ҳам бирлаштирган. Шаҳар марказида ҳукмдор ёки ҳокимнинг қалъаси жойлашган. Марказда бозор, жамоа масжиди ва бошқа жамоат бинолари бўлган. Аҳолининг ўса бошлаши билан меқали боғлар камая боради. Шунинг учун эски шаҳарларнинг руслар яшаган қисмида аксинча кўпроқ дарахтлар сақланиб қолган.

Қишлоқлар улардаги уй-жойлар, тархи қурилиш ашёларида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Ўрта Осиё шаҳар ва

қишлоқларида-аҳоли маҳалла ва жамоаларга бирлашган. XIX аср охиридан маҳалла муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажарадиган ташкилотга айланади.

Қишлоқларда суғориш деҳқончилиги билан боғлиқ катта миқдордаги қўл меҳнатини талаб қиладиган ишлар бўлгани учун хусусан, Ўзбекистон, Тожикистон, қисман Туркманистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми уларда яшаб ишлашга мажбур бўлмоқда.

Айрим йирик қишлоқларда турли ҳунармандчилик соҳаларини ривожлантиришган. Риштонда кулолчилик, бошқа жойларда тўқимачиликнинг ёки темирчиликнинг турли соҳалари бўйича марказлар шаклланган.

Ўрта Осиёда уй-жойлар икки турга: ўтроқ деҳқонлар-хом ғишт, пахса ёки гуваладан уйлар қуришса, чорвадорларда-йиғма кигиз ёпиладиган уйлар бўлган. Зилзила кўп бўладиган ҳудудларда синчли уйлар, тоғларда тошлардан уйлар қурилган.

Сўнгги юз йил давомида уйларнинг тархи, режаси кескин ўзгарган. Ўтмишда уй бир хона, ошхона ва айвондан иборат эди. XX асрнинг 70-йилларидан хоналар сони кўпайиб, меҳмонхона, болалар хонаси, уйлайдиган хоналар қурила бошланди. Қурилиш ашёлари, уй жиҳозлари, мебель, уйларни ганч билан безаш ва ҳ.к.о.лар кенг тарқалди.

Кийимлар. Ўрта Осиё аҳоилси кийимлари ўз мазмунига кўра антиқа. Унда нима-умумийликми ёки хўжалик, миллийлик балки ҳудудий хусусиятлар кўплигини аниқлаш мураккаб. Ўз бичими ва қисмларига кўра деҳқонлар ва чорвадорлар кийимлари, эркаклар ва аёллар кийимлари бир хил. Эркаклар кийими асосини кўйнак ва кенг (от ва бошқа транспорт воситаларига ўтириши қулайлиги учун) иштондан иборат. Аёллар кийими эркакларникидан айрим жиҳатлари ранги, кўйлакнинг узунлиги билан фарқланади. Эркаклар кийимини оқ матодан, аёлларники эса гулли матодан тикилган.

Устки кийим барча халқларда олди очиқ белбоғ билан кийиладиган чопон, чакмон, пўстинлар бўлган.

XX асрнинг 30-йилларига қадар бош кийимларида миллий ва ҳудудий хусусиятлар кўп бўлган. Жумладан, катта қўзи терисининг жкни тепага қилиб тикилган туркманни, кигиз қалпоғидан қозоқ ва қирғизни таниб олиш мумкин эди. Ўзбек ва тожикларнинг бош кийимлари ҳам дўпписи нақшлари, баланд-пастлиги ва ҳ.к.о.ларга қараб бўлинган. Лекин XX асрнинг ўрталаридан таги қора устида оқ гули бор дўппилар етакчи ўринга ўтади.

Анъанавий аёллар кийими кўпроқ архаик хусусиятларини сақласада, бичимлари европача бўлиб кетган. Нисбатан ўзлигини сақлаган кийимлар азаларда, байрамларда диний маросимларда кийилмоқда. Аёллар кийимларида зеб-зийнатларнинг ўрни каттадир. Бу борада туркман аёлларининг кумушидан тақинчоқлари ўзининг архаик хусусиятларини сақлаб келмоқда.

Ўрта Осиёликларнинг маънавий маданиятлари

Диний тасаввурлари. Ўрта Осиёликлар қадим замонлардан табиат кучлари, муқаддас тошларга, дарахтлар, бутоқларга эътиқод қилиб келганлар. Аждодлар қабри культи Ўрта Осиёликлар учун энг муҳим зиёрат жойи саналади.

2700 йиллик юбилейи ўтказилган “Авесто”-диний китоби зардуштийларга мансубдир. Бу Ўрта Осиёдаги илк якка худоликка асосланган диний таълимот бўлган. Зардуштийликнинг айрим унсурлари (келинни гулхан атрофида айлантириш, олов, сув, тупроқни, ҳавони муқаддас билиш) сақланиб қолган. Аҳоли турли замонларда буддизм, шомонлик, ислом дини таълимотини қабул қилди. Айнан ислом дини милодий VIII аср бошларида тарқалиб аҳоли маънавий маданияти тараққиётига катта таъсир ўтказди.

Халқ оғзаки ижодида: “Алпомиш”, “Манас”, “Гўрўғли” ва бошқалар аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутган.